



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА  
ТАЪЛИМ  
МАРКАЗИ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ  
(МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА)**



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни вазирлиги  
Республика таълим маркази

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ  
(МЕТОДИК ҚҰЛЛАНМА)**



Тошкент-2020

**UDK:**

**КВК:**

**Тузувчилар:**

Умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастури: ўқитиш методикаси (ўқитувчи қўлланмаси). Тошкент: "...", 2020. - ..бет.

ИСБН .....

UDK: .....

КВК: .....

Мазкур қўлланма умумий ўрта таълим мактабларида Миллий ўқув дастурни замонавий ёндашувлар асосида жорий этиш, илғор халқаро ва хорижий тажрибалар, компетенциявий ёндашув асосида ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантириш, ўқутарбия жараёнига маданий саводхонлик ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган инновацион шакллар ва методларни жорий этиш, ёшларнинг турли вазиятларда юзага келадиган муаммоларини мустақил ҳал этишни ўргатишга қаратилган таълимнинг мотивацион ва инновацион ечимларини қўллаш мақсадида таълим сифатини оширишга эришиш бўйича методик тавсиялар ёритилган.

Қўлланма умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, раҳбарлари, ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари методистлари, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррирлар:** .....

**Тақризчилар:**

Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим маркази Илмий кенгашининг 2020 йил ..... даги №...қарори билан нашрга тавсия этилди.

ISBN...

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b>	5
<b>I ЎҚИТИШ ВА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ</b>	6
1.1. Умумий ўрта таълим миллий ўқув дастури методологиясининг асосий мақсад ва вазифалари	12
1.2. Ўзини камол топтира олмаган инсон, ўзгалар камолотини таъминлай олмайди	17
<b>II РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</b>	21
2.1. STEM / STEAM / STPEAM таълими— давр тақозоси	26
2.2. CLIL методикаси	34
2. 3. ИМЕА(АРИЗ)/ИМЕТ(TRIZ) методикаси	
<b>III ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</b>	43
3.1. "Moursund" методи	45
3.2. "Brenrayting" методи	47
3.3. "Лойиха" методи	48
3.4. "Импульс – плакат" методи	49
<b>IV ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</b>	52
4.1. "Суҳбат дарси" методи	
4.2. "Заковатли зукко" методи	55
4.3. "Кичик гурухлар ва жуфтлиқда ишлаш" методи	55
4.4. "Узвийлик ва узлуксизлик" методи	56
4.5. "Тоифалаш жадвали" методи	58
<b>VI ЭВРИСТИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</b>	60
5.1. "Ротация" методи	63
5.2. "Эвристик таълим", "Эврика" методлари	65
5.3. "Интервью" методи	66
5.4. "Панелли мунозара" методи	67
<b>VII МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</b>	68
6.1. "Case study" методи	70
6.2. "Танқидий тафаккур" методи	72
6.3. "Муаммоли вазият" методи	73
6.4. "Фокусли объектлар" методи	75
<b>VIII МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</b>	76
7.1. "Видеотопишмоқ" методи	85
7.2. "Синхрон ва асинхрон ўқитиш" методи	86
<b>VIII ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИДАН ТАЪЛИМ БЕРИШДА УЛАРНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР</b>	
8.1 Кўргазмали метод	
8.2 Оғзаки метод	
8.3 Амалий метод	
8.4 Мусобақа методи	
8.5 Ўйин методи	
<b>IX ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ</b>	
9.1 Таълимнинг кўргазмали, оғзаки ва амалий усулларини биргаликда кўшиб олиб бориш тамойили.	
9.2 Тизимлилик ва изчилиллик тамойили	

- 9.3. Тушунарлилик ва болаларга якка ёндашиш тамойили.  
9.4. Онглилик, фаоллик ва мустақиллик тамойиллари.  
9.5. Таълимнинг фронтал, гуруҳ ва якка тартибдаги усулларининг бирлиги  
тамойили

X ГЛОССАРИЙ  
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

96  
100

## **КИРИШ**

Жаҳонда фан ва техника тараққиётининг жадаллик билан амалга ошиши, инновацион технологияларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бундай ўзгаришлар глобаллашув шароитида барча соҳаларда кучли рақобат муҳитини шакллантириб, ўз навбатида, таълим соҳасига нисбатан янги талабларни қўймоқда.

Шунингдек, таълим тизимида сўнгги бир йилда етмишга яқин Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармон ва фармойишлари қабул қилинди. Бу том маънода, таълим тизимида ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнини бошлаб берди.

Жумладан, “Умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва методларини жорий этиш”<sup>1</sup> каби қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ҳақиқатдан ҳам, умумий ўрта таълим муассасаларининг миллий методологиясини такомиллаштириш, ривожланган давлатларнинг ўқитиши методикаларини ўрганиш ва миллий қадриятларимиз сингдирилган методик асосларини ташкил этиш, рақамли ва кенг форматли масофавий таълим методларини ўзлаштириш бугунги тараққиёт даражаси билан узвий алоқадор.

Мактаблар олдига қўйилаётган асосий талаблардан бири — юқори малакали, ўз соҳасининг билимдони бўлган ўқитувчилар базасини шакллантириш билан бирга, методологиянинг тўғри ташкил этилиши, танланган технология ва методларнинг мавзуларга мувофиқлигини таъминлашдир. Методологияни ривожлантириш ўқувчининг муайян

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Т.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Т.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

назарий билимларни пухта ўзлаштиришга, вақтни тежашга, ҳар бир ўқувчини фаолликка ундашга, уларнинг эркин ва мустақил фикрлаш лаёқатини ҳамда ўз фикрини ҳимоя қила олиш кўникмаларини шаклланишга олиб келади. Айниқса, бугунги ўқувчи ёшларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустақил, илмий-ижодий изланишлари, инновацион ғояларга нисбатан чексиз қизиқиши — ўз-ўзидан дунё муносабатларида янги муносабатлар пайдо қилишга, таълимнинг янада янги қирраларини кашф этишга, халқаро тажрибалар асосидаги ўқитиш методикаларини ўқитувчиларга ўргатишга, ўқув жараёнини замонга мос шаклда ташкил этишга ундейди.

Таълим муассасаларида амалий фаолият тажрибасини таркиб топтириш, таянч компетенцияларни шакллантириш, ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва педагоглар компетентлигини ривожлантириш, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш орқали ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу қўлланмада, белгиланган вазифаларга мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларда ДТС талаблари ва ўқув дастурида белгиланган БКМ ва компетенцияларни шакллантириш, умумбашарий қадриятларни, маънавий-ахлоқий фазилатларни уқтириш, уларда меҳнат кўникмалари, танқидий ва ижодий фикрлаш, касб танлашга онгли муносабатда бўлишга ўргатиш ва бунинг учун аввало, ўқитувчи фаолияти натижаларига қўйилган талабларни бажарилишига эришиш, ўқитиш жараёнида илғор тажрибалардан фойдаланиш, таълим истеъмолчиларида ХХI аср кўникмаларини ривожлантиришда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида тавсиялар келтирилган.

Зеро, донишманларимиз бежизга, “Билим кунда орттириладиган тажриба зарраларидан таркиб топади”, -дея таъкидламаганлар.

## **I. ЎҚИТИШ ВА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ**

Мамлакатимизда ўқитиш ва тарбиялашда миллий юксалиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва

интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни: Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини босқичма-босқич жорий этиш ўқувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил ривожланишга ўргатиш, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришни назарда тутади.

Таълим деганда: - инсон борлигининг ажралмас атрибути сифатида;- инсоннинг ўз-ўзини тиклашига айланиш, йўналтирилган жараён тушунилади.

Бугунги таълим тизими эски мазмундаги ўқув дастурларидан возкечиб, инновацион рақамли иқтисодиёт ва ахборотли жамият учун кадрлар тайёрлаш имконини берадиган ўқитиш тизимига ўтиш вақти келди. Шунга мос равишда таълим беришга ёндашувлар ҳам ўзгариб, интернет ва ахборот технологиялари даврида оддий билим берувчидан, қизиқкан йўналиши бўйича автоматлаштирилган юқори технологияларга мос касбга тайёрлашга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас балки, тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган бир-бири билан ҳамкорликда қиласиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилятлари ривожланади ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади. табиятга, жамиватга илмив қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч - қувватлари мустаҳкамланади. Ўқувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатмасалар тажриба ва билимни ўзлаштира олмайдилар. Боланинг ёши улғайган сари бу фоллик аста кўпроқ мустақил хусусиятларга эга бўлиб боради; ўқувчилар ўзларида дунвоқарашни таркиб топтиришга. ўз-ўзини такомиллаштириш, табиат, жамият ва турмушда учрайдиган ҳодисаларни тушунишга ҳамда идрок этилган нарсаларга танқидий муносабатда бўлишга кўнига борадилар. Тарбия қоидаси - педагог таълим ва тарбия

жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат раҳбарлик асосидир. Тарбия қоидалари ўқитувчи, ўқувчиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар ҳисобланади. Янги шахсни шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия қоидалари Шарқ ва Марказий Осиё файласуф- донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика эришган ютуқларга асосланади. Тарбия қоидалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнда бу қоидаларга амал қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Ўқитувчилар учун кутилаётган кескин бурилиш осонликча бўлмайди. Бундай даврда рақобатбардошлиқ, шахслараро муносабатларни ўрната олиш қобилияти зарур бўлганлиги сабабли, ўқув дастурлари мазмуни танқидий фикрлаш, коммуникативлик, ижодий яратувчанлик ва ҳамкорлик кўнилмаларини, яъни компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай педагогик технологиялар ва методларнинг натижавийлиги уни қўллаётган ўқитувчининг билими, ижодий ва касбий маҳоратига боғлиқдир. Ўқитувчининг касбий маҳорати, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, таълим муҳити ва мавжуд имкониятларни инобатга олган ҳолда тўғри тушунилган, танланган ва қўлланилганда кўзланган педагогик мақсадга эришиш ўзаро узвийдир. Аммо ҳанузгача айрим ўқитувчилар педагогик технология, методика, метод, услугуб каби тушунчаларни яхши фарқлай олмайди.



Мазкур тушунчаларнинг этимологиясига эътибор қаратайлик. “Метод” юнонча сўз бўлиб, тадқиқот ёки билиш, умумий маънода мақсадга эришиш йўлини ифода этади. Метод ўқув мақсадига эришиш йўли ҳамда технологиянинг алоҳида томони ёки таркибий қисмидир. Масалан, бошланғич синфларда ўқитувчилар томонидан кўп қўлланиладиган машқ манбасига кўра амалий метод ҳисобланса, уни қўллаш эса бир нечта методлар машқнинг қоидасини ўқиб бериш (1-метод), биттасини намуна

сифатида бажариб кўрсатиш (2-метод), ўқитувчининг намунаси асосида ўқувчилар томонидан машқнинг бажарилиши (3-метод), ўқувчилар томонидан бажарилган машқларни текшириш ва хатоларини тузатиш (4-метод) ёрдамида амалга оширилади. Ўқитувчиларнинг айримлари “метод” тушунчасининг ўрнига “услуб” тушунчасини ҳам қўллайдилар. Аммо “услуб” тушунчаси “метод” атамасининг моҳиятини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди. Чунки услугуб кўпроқ хусусий (сўз бораётган ҳолатда, айнан, ўқитувчига хосликни ифода этади) тавсифга эга бўлиб, аниқ мақсадга эришиш йўли сифатида хизмат қила олмайди. Сўнгги вақтларда педагогик ва методик адабиётларда методларни “фаол”, “суст”, “интерфаол” каби турларга таснифлаш ҳолати қайд этилмоқда. Аслида, фаол (актив) ва суст (пассив) методнинг ўзи бўлмайди. Ҳозир баъзи бошланғич синф ўқитувчилари “Биз тушунтириш методини қўлласак, ўқувчилар фаол бўлишмайди, фақат тинглаб ўтиришади. Унинг ўрнига биз ўқувчиларнинг ўзини ҳаракат қилдиришимиз керак”, - деган фикрни кўп такрорлашади. Тўғри, дарс жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш муҳим, бироқ бу тушунтириш методини кам таъсирга эга дейиш учун асос бўла олмайди. Ўқувчиларни ташқи томондан фаолликка ундумайдиган методларда ўқув фаолиятининг энг асосий шакли ҳисобланган мнемоник (яъни ички) ҳаракатлар – ўқувчининг ўрганилаётган материални идрок этиши, тасаввур қилиши, таҳлил этиши, хулоса чиқариши кабилар мавжуд бўлишини инкор этмаслик керак. Кўпчилик ўқитувчилар “интерфаол методлар”ни технология деб тушунишади ёки шундай аташади. Масалан, ўқитувчиларга “Машғулот жараёнида қандай технологиялардан фойдаланасиз?” - деган савол билан мурожаат этилса, “Дарс жараёнида “Кластер”, “Ақлий ҳужум”, “Зигзаг”, “FSMU”, “Балиқ скелети” каби технологиялардан фойдаланаман”, - деган жавобни беришади. Албатта, бу борада фақат амалиётчи-педагогларни айблаш ҳам ўринли эмас. Сабаби педагогик технологияга доир адабиётларда “интерфаол метод” тушунчасининг ўрнига “технология” сўзини қўйиб ишлатиш ҳолати жуда кўп учрайди. Агар интерфаол методларни “технология” сўзи билан ифода этаётган мутахассислар

уларни қўллаш босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутиб, шундай ёндашувга асосланаётган бўлсалар бундай назарий-методологик асос дидактик нуқтаи назардан мутлақо хато. Интерфаол методлар бошқа методлар сингари ўқув машғулотининг таркибий қисми сифатида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини ташкил этишга ёрдам беради. Бошқача айтганда, технологик жараённинг тўлиқ амалга оширилиши учун хизмат қилади. Интерфаол методларнинг энг асосий хусусияти ўқувчиларни фаоллаштириш ва фикрлашини ривожлантиришга имкон бершидир. Ўқувчиларни билимлар билан қуроллантирмасдан туриб, уларни фикрлашга ва фаолликка ундан бўлмайди.

Шу ўринда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнгги вақтларда “технология” тушунчасини методикадан устун қўйишга уринишлар юзага келмоқда. Аслида, “методика” тушунчаси технологиядан юқори туради. Чунки методика – бу метатехнология. Агар мазкур тушунчани ўқув жараёнига татбиқ этадиган бўлсак, ўқув жараёning мақсади, вазифалари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини белгилашга доир умумий талаблар мавжуд. Ҳар бир ўқув машғулотини амалга ошириш маълум белгиланган алгоритмик кетма-кетликка асосланади. Методика ана шу алгоритмик кетма-кетликнинг умумий ва хусусий қоидаларига асосланишини талаб этади. Ўқитувчи ўқув мақсади билан боғлиқлиқда машғулотни ўtkазиш технологиясини эркин танлаши мумкин. Аниқроқ айтганда, ҳар бир машғулотда кутиладиган натижага мос ҳолда ўқув босқичларини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, ҳар бир босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларни танлаб олиш имконияти юзага келади.

“Методика” ва “технология” тушунчалари айрим жиҳатлари билан фарқланади. Жумладан, методик тизим “Қандай ўқитиш?”, “Нима учун ўқитиш?”, “Нимага ўргатиш?” каби саволларга жавоб излайди, технология эса, “Қандай тарзда самарали ўқитишга эришиш мумкин? ”- деган саволни марказга қўяди. Методика ўқув жараёнини қандай тарзда ташкил этиш лозимлигини назарда тутса, технология қай йўсинда ўқув жараёнини энг

қулай, мақбул тарзда амалга оширишга диққат-эътиборни қаратади.

**Ўқитиш бу-** таълим олувчининг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаш фаолиятидир. Ўқитиш ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчининг педагогик фаолияти.

Жисмоний тарбияда ўқитиш инсоннинг жисмоний ва руҳий такомиллашувига қаратилган махсус билим ва мотор ҳаракатлар тизимларини узайтириш ва ўзлаштиришнинг уюшган жараёнидир.

Тарбия-ижтимоий субъектларда ҳар қандай функцияларни бажариш учун зарур бўлган сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқ, тизимли ва уюшган жараёнидир. Ўқитиш ва ўрганишни ўз ичига олади. Тарбия назарияси (тушунчаси)-таълим жараёнининг моҳияти, мазмуни, методлари ва ташкил этилишини англаш бўйича умумлаштирилган қоидалар мажмуи ёки қарашлар тизими ҳисобланади.

**Ўқитиш жараёнида атамаларни тўғри қўллаш мақсадида қуида уларнинг аниқ таърифини келтириб ўтамиш:**

**“Педагогика методологияси** - бу педагогик билимлар ва уни ишлаб чиқариш жараёни ҳақидаги таълимот.<sup>2</sup>

Методология луғавий таҳлил қилинганда, юонча сўздан олинган бўлиб, “методлар назарияси”, “мавзуни тадқиқ қилиш методлари”, “методлар ва стратегиялар”ни ўрганади.

**“Методология”:**

1. Тадқиқот методлари мажмуаси.
2. Муайян фан (соҳа йўналиш)да қўлланиладиган тадқиқот методлари мажмуи.
3. Илмий билиш ва дунё тараққиётига таъсир кўрсатиш ҳақидаги таълимот<sup>3</sup>.

**Технология** (юонон тилидан. Techne – “санъат”, “маҳорат”, “қобилият”; logos - “сўз”, “фикр”, “маъно”, “тушунча”) - керакли натижага эришиш учун метод ва воситалар тўплами; кенг маънода илмий билимларни амалий

<sup>2</sup> В.И. Загвязинский

<sup>3</sup> “Педагогик фанидан изоҳли луғат”. Ж. Ҳасанбоев ва бошқалар Т. 2008.

муаммоларни ҳал қилиш учун қўллаш. Технология иш методларини, унинг тартибини, ҳаракатлар кетма-кетлигини ўз ичига олади.

**Педагогик технология** – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмуни. Педагогик технологиянинг асосий мезонлари: концептуаллик, тизимлилик, бошқарувчанлик, самарадорлик, қайта алоқа муҳим саналади.

**Ўқитиш технологияси** – ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаб олиш, ўқитувчи ва ўқувчининг вазифаларини ойдинлаштиришга қаратилган алгоритмик кетма-кетлиқдир.

**Метод** сўзи юононча “тадқиқот”, “мақсадга эришиш йўли” деганидир. Бу сўзниңг этимологияси (келиб чиқиши) унинг илмий категория сифатидаги талқинида ҳам акс этган. Метод –умумий маънода мақсадга эришиш йўли, маълум тарзда тартибга солинган фаолият.

**Таълим методлари** дейилганда, ўрганилаётган материални эгаллашга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал этишга доир ўқитувчининг ўргатувчи иши ва ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари йиғиндиси тушунилади.

**Таълим методи** – ўқитиш методининг таркибий қисми ёки алоҳида томони. Методлар ёрдамида фақат ўқув вазифасининг бир қисми ҳал қилинади.

**Интерфаол метод** – ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчини фаоллаштиришга йўналтирилган ўқитиш методлари мажмуи.

**Методика** – қатъий кетма-кетликка (алгоритмик ҳарактерга), илгари ўрнатилган режа (коида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўtkазиш методлари, йўллари мажмуаси. “Методика” тушунчаси турли фанларни ўқитиш билан ҳам боғлиқлиқда қўлланилиб, маълум соҳани ўқитиш жараёни, мазмуни, қонуниятлари, шакл, метод ва

воситалари йиғиндисини ўзида ифода этади.

Методика (кенг маънода) - машғулотларни ташкил этиш усуллари, методлари ва шакллари мажмуи (жисмоний тарбия методлари – мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари ва бошқаларда). Методик йўналиш-жисмоний тарбия методикасида ягона ҳукмрон омил таъсирида вазифани ҳал этишга имкон берувчи бир ҳил вазифалар, усуллар ва методик йўналишлардан фойдаланишга қаратилган йўллардан биридир. Методиканинг предмети билимнинг ўзи, унинг генезисиз, олиш ва амалий фойдаланиш имкониятлариdir.

## 1.1 ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам жамиятига миграцияси, республикамизнинг жаҳондаги мавқейи ва обрўсининг мустаҳкамланиб бораётганлиги. Миллий дастурининг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши ҳам кўзда тутилган.



Бугунги жамият шахсдан фаол ҳаракат қилиш, мустақил қарор қабул қилиш, ҳаётнинг ўзгараётган шароитларига мослашиш талаб қилинаётган бу даврда таълим тизимида ўқитиш жараёнини кафолатлайдиган методология замонга мос бўлиши лозим.

Методология-ҳар қандай фанда қўлланиладиган методлар мажмуидир. Методология-назарий ва амалий фаолиятни ташкил етиш ва қуриш тамойиллари ва усуллари тизими ҳисобланади

Методология луғавий таҳлил қилинганда, юонча сўздан олинган бўлиб, “методлар назарияси”, “мавзуни тадқиқ қилиш методлари”, “методлар ва стратегиялар”ни ўрганади.

Методология-бу илмий билиш методини, назарий ва амалий фаолиятни қуриш, амалга оширишнинг кўрсатма ва воситалари бўлиб хизмат қиласидиган илмий билимлар тизимини ўргатишдир.

Методологик ёндашув-ўқитувчини ўқувчиларга таъсир этиш йўллари мажмуи бўлиб, уни танлаш маълум илмий тушунча, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш мантиғи билан белгиланади.

### **Методологиянинг мақсад ва вазифалари:**

Умумий ўрта таълим миллий ўқув дастурининг методологиясини яратишдан асосий мақсад—таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида миллий методология бўйича, аввало, педагог кадрларнинг малакасини ошириш, режаларини белгилаш, методик тавсия бериш ҳамда ўқувчиларнинг олган билимларини самарали қўллашга эришиш, ҳамда жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган, жаҳон ҳамжамияти талабларига жавоб бера оладиган, юрт истиқболига ўз ҳиссасини қўша оладиган, компетент, рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборат.

Методологик тафаккур методологик қўллаб-қувватлаш манбаларидан биридир. Методологик тафаккур натижалари-тадқиқотчининг ўзи қўллаган илмий билиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлари натижасидир

### **Асосий вазифалари:**

фанларни ўқитишининг миллий методологияси асосида самарали компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган технология ва методларни танлаш, саралаш ва қўллаш;

реал дунёда иқтисодий тушунчалар, назариялар ва тамойилларни таҳлил қилиш ва онгли қўллашга эришиш;

мустақил танқидий, ижодий фикрлаш, реал дунёда пайдо бўлаётган қийинчиликларни кўра билиш ва уларни бартараф этишнинг оптимал йўлларини излаб топиш;

турли ижтимоий грухларда маданиятли бўлиш, ҳамкорлиқда ишлашни билиш ёки турли вазиятларда онгли муносабатда бўлишга қаратилган мотивацион-инновацион методларни яратиш, ахборотлар билан саводли ишлаш;

ўзининг “мен”лиги, интеллектуал салоҳияти, маънавияти ва дунёқарashi устида мустақил ишлаш ҳамда XXI аср

кўникмалари(маданиятли мулоқот, инсоний фазилат, китобхонлик саводхонлик, танқидий-креатив фикрлаш, ижодкорлик, ҳамкорликда ишлаш, муаммоларга ечим топиш каби.)ни ўқувчиларда шакллантириш методологиянинг асосий вазифаси саналади.

Методология инсонларнинг яшаши, ҳаётда турмуш кечириши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндисини ўзлаштиришга қаратилган онгли фаолият ифодасидир.

Методологиянинг тарихий тараққиётини кузатадиган бўлсак, Суқрот, Аристотелларнинг ўрни мавжуд. Форобий шарқона фикрлаш услуги нуқтаи назаридан Аристотель асарларини шарҳлайди. Бундай шарҳлар Аристотель меросини ўрганишда методология бўлиб келган. Ибн Сино ўзининг хотираларида Аристотелнинг «Метафизика» асарини 40 маротаба ўқиб чиқса ҳам ҳеч нарса тушуна олмаганлигини, бу асарнинг мазмунига Форобийнинг шарҳларини ўқигандан сўнгтина тушуниб етганлигини ёзиб қолдирган. Методология ҳақида Ф.Бэкон, Р.Декарт, Ж.Локк, Г.Галилей ва бошқа европалик олимлар маҳсус китоблар ёзишган. Шунингдек, Методология ривожига Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель каби буюк шахслар катта ҳисса қўшишган. Гегель диалектик Методологиянинг асосларини ишлаб чиқди.

Методологиянинг технологик даражасини тадқиқот техникаси дейиш мумкин, яъни қайта ишлайдиган омборлар тўпламига киргандан сўнг методологик билим аниқ меъёр ҳисобланади. Умуман олганда, методология амалий фаолиятнинг қандай бажариш кераклигини кўрсатади.

Педагогик методология ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўз-ўзини бошқаришга, муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларини топишга йўналтиради, хатти-ҳаракатнинг натижаларини таҳлил қилишга, воқеликка қандай ёндашишга ўргатади, ўқувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратади. Шунингдек, мотивациянинг юқори даражада бўлишини таъминлайди, педагогик билимларнинг таркиби ва функциялари, педагогик масалалари, методологик аҳамиятга эга бўлган

бошланғич, асосий, фундаментал, фалсафий, умумий-илмий ва педагогик қоидаларни (фараз, тушунча, назариялар) тушунтиради.

Педагогик методология бу педагогик назариянинг бошланғич нұқталари, педагогик ҳодисаларни күриб чиқишида ёндашув тамойиллари, ва уларни тадбиқ қилиш усуллари, шунингдек, олинган билимларни үқитиш, билимлар тизимиdir. Технология ва методлар методологиянинг асосидир: технология ва методларнинг құлланилишида афзalлиги, құлайлиги, манфаатлилиги, күра билишнинг осонлиги билан үзига хос ахамият касб этади.

Манбаларда ёзилишича: “Эзгуликка эришиш икки шартнинг бажарилиши: Ҳар қандай фаолият якунидаги мақсадни түрі белгилаш ва мақсадға эришиш чора-тадбирларни излаб топишга боғлиқдир<sup>4</sup>. Демак, методологияни амалға оширишда методларга асосланар экан, фаолиятнинг методологик асосини аниклаш ва мақсадға эришиш метод ва услубларни түрі белгилаш муҳим.

Үқув жараёнида құлланиладиган технологиялар методлар үйғунлиги билан үзаро фарқ қиласы: Шахсга йўналтирилган таълим технологияси”, “Үқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил этиш технологияси”, “Үқитишни индивидуаллаштириш таълим технологияси”, “Моделлаштириш таълим технологияси”, “Ҳамкорлик таълим технологияси”, “Муаммоли таълим технологияси”, “Эвристик таълим технологияси”, “Рақамли таълим технологияси” каби.

Үзгаришларнинг тавсифига күра (радикал, модификацияланган, комбинацияланган), күламиға күра (локал, модулли, тизимли), келиб чиқиши манбаига күра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган) туркумланиши асосида инновациялар қуйидагича таснифланади:

Интерфаол методлар: “Case study” (ёки “Үқув кейслари”), “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”;

Стратегиялар: “Галерея”, “Ротация”, “Юмалоқланган қор”;

График органайзерлар: “Концептуал жадвал”, “Инсерт”, “Нима учун жадвали” каби.

Дарҳақиқат, шакл ва моҳиятига кўра туркумланган методларни танлашда ўқитиш мақсади билан ўқитувчиларнинг кучли билими ва салоҳияти, дунёқараши кенг, инсонпарварлик, ватанпарвар, ташаббускор, ижодкор, маданиятли ва саводли нутқ, касбий маҳорати, ўз касбини севиш – ўзига ишонч ётади.

Метод педагогик қонуниятлар, ўқитувчининг ҳаракатлари тизими, ўқувчининг муайян тарзда назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, motor ҳаракатларни ўзлаштиришни таъминлаш, жисмоний сифатларни тарбиялаш ва шахсни шакллантиришга имкон берувчи йўналтирилган дастурни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Методик усул-муайян педагогик вазиятда муайян методни амалга ошириш усули ҳисобланади.

Метод<sup>5</sup> белгиланган мақсадга эришишдаги ўзаро фаолиятини ташкил этиш йўлидир. Немис дидакти Л.Клинберг таълим жараёнида методларни ҳамкорлик шакллари билан уйғунлаштиришга алоҳида урғу беради: “Монологик”, “Ҳамкорлик”, “Тадқиқотчилик”, “Диалогик”, “Маъруза”, “Суҳбат”, “Ҳикоя”, “Интервью” каби.

Маълумки, бу методлар фанлар йўналишида қўлланилишида бирмунча фарқ қиласди. Аниқ ва табиий фанлар йўналишида билимга асосланган, мантиқий фикрлашга йўналтирилган методлар қўлланилса, ижтимоий ва филология йўналишидаги фанларда нутқ (оғзаки ва ёзма), маданий саводхонлик ва ижтимоий фаол фуқаролик компетенциларини ривожлантиришга қаратилган методлар қўлланилади. Амалий фанларда эса эвристик, мантиқий, моделлаштириш, лойиҳалаштиришга йўналтирилган методлар кўпроқ қўлланилади. Ўқув жараёнида уйғунлашган (муаллифлик: ““Ким чаққон”, “Ақл сандиги”, “Шамол эсмоқда”, “Менинг лойиҳам”, “Ижодий иш”, “Тақдимот”, “Ротация”) айрим шакллари ўзгартирилган методлар фанларда натижавийлигига қараб ўзига хос фарқлар асосида фаол қўлланилади.

<sup>5</sup> Метод юонча сўздан олинган бўлиб, “métodos” - бирор нарсага йўл маъносини англатади

**“Ўзини камол топтира олмаган инсон,  
ўзгалар камолотини таъминлай олмайди”<sup>6</sup>**



Эртага ўқувчингиз бирор касбда юқори чўққини эгаллашида Сизни, “Устозим сабабчи”, - деб тилга олишини хоҳлайсизми?

Дарсингизда фойдаланаётган замонавий илғор технология қайси бири натижадорлигини кузатганимисиз?

Умумий таълим мактабининг асосий вазифаси-шахснинг ақлий, ахлоқий, хис-туйғули ва жисмоний ривожланиши, қобилиятларкии ҳар томонлама камол топтириш, имкони борича қулай шароитлар яратишдан иборатдир. Шунингдек, ўқувчиларда миллив ғуур ва миллий ахлоқ-одобни шакллантиришни кўзда тутади. Ҳар қандай жамиятнинг равнақи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий барқарорлиги унинг фуқароларининг ақлий ва ахлоқий салоҳиятини юксак даражада ривожланганлигига боғлиқ. Зеро, жамиятимизнинг маънавий янгиланишида, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш кадрлар тайёрлашнинг миллий масаласи устувор мезон сифатида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, инсон унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатлари рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирchan механизmlарини яратиш эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Чунки ҳалқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида мукаммал тайёргарлиқдан ўтган кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди

<sup>6</sup> Конфуций

Айтиш мумкинки, баркамол инсоннинг шаклланиши унинг муносиб касб-корни эгаллаши жамият тарақиёти учун баҳоли қудрати ўз ҳиссасини қўшиб яшаши ва шу орқали жамиятда ўзлигини намоён этиши яъни шахснинг камол топиши назарга олинади. Комиллик сари интилиш шахснинг касбий шаклланиши билан биргаликда яхлит ҳолда кечадиган ва деярли бир умр давом этадиган мураккаб жараёндир. Кенг маънода касбий шаклланиш деганда инсоннинг ўз ақлий қобилияtlари жисмоний имкониятлари у ёки бу соҳага бўлган лаёқатлари, қизиқиш ва интилишлари, шунингдек қадрият ва дунёқарашларига кўра бирор бир касб соҳасида таълим олиш кейинчалик шу соҳага киришиб, мослаша бориши ва ниҳоят йиллар давомида етук ва малакали мутахассис этишиши тушунилади. Ҳақиқатан ҳам бу чексиз мураккаб орқага қайтарилмайдиган муҳим жараён бўлиб, унда инсон манфаатлари йўлидан унумли фойдаланишни ташкил этиш, бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Бугунги замон белгилаган талабларни ўзлаштирган, педагогик маҳорати юқори, илғор тажрибали ўқитувчилар, нафақат, таълим-тарбия самарадорлигини таъминлайди, айни вақтда, шогирдларининг саноатлашган муҳитда яшаши ва ишлиши, бирор касбда ўз йўлини топишса, улардан қувонади, фахрланади. Бу туйғу ҳеч бир мамлакатда топилмайди. Бу, фақат бизнинг халқимиз қон-қонига сингган туйғу саналади.

Ўқитувчи ва ўқувчилар мақсади бирлиги, таълим-тарбия самарасининг натижавийлиги ҳар икки томон учун манфаатлидир.

Бунинг учун ўқитувчи касбининг кўп қирралиги, мураккаблигини назарда тутган ҳолда ҳар бир қиррасини унутиши мумкин эмас. Бунда, “Ибрат”ни марказ деб олсак, бу марказнинг қирраси чегараланмаган: кийинишидан тортиб, нутқ маданияти, келажакни кўра билиш қобилияти, вақтдан унумли фойдаланиш маҳорати, фанни мукаммал билиш, етказа олиш, кузатувчанлик, ишни тўғри ташкил эта олиш, ташаббускорлик, ижодкорлик каби қирраларига янгилик киритиб боради.

Шунинг учун ҳам бу касб ҳам шарафли, ҳам мاشақатли деб таърифланади.

Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир.<sup>7</sup> Бунинг учун, ўқитувчилар “**уйғониши**” лозим. Жамият мисли кўрилмаган даражада ўзгарди, саноат ривожланди, технологиялар кириб келди, айнан, бу ўзгаришлар сабабли ўқувчилар анча илгарилаб кетди. Ўқитувчилар бу “шиддатли тўлқин”да четда туриш, авторитар шаклида маъруза ва топшириқ бериш билан дарс ўтиб бўлмаслигини, ўқувчиларнинг “олтиндан қиммат” вақтни бекорга совуриш қонунда белгиланмаган жиноят эканлигини англаши керак.

Узоққа бормайлик, йигирма йил ортга қайтиб, бугунги давр билан қиёслайдиган бўлсак, мисли кўрилмаган даражада ўзгаришлар туфайли турли касблар: менежерлар, дастурчилар, инженеринг, нанотехнологлар, IT-мутахассислар, туризм соҳаси мутахассислари, логист-нақлиётчилар, имижмейкерлар, анестезиологлар ва бошқа шунга ўхшаш мутахассисларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Касбларга бўлган эҳтиёжни бугундан ўйлаш учун, аввало, ўқитувчиларни тайёрлаш зарурати долзарб масаладир. Технологияларнинг жадал ривожи келгуси касб эгаларининг табиий фанлар, филология, муҳандислик ва технологиядан чуқур билимга эга бўлишларини талаб қиласди. Демак, ўқитувчилар бу ўзгаришлар тўлқинида ўз “роли”ни эгаллаш учун касбий маҳоратни оширишда амалий ҳаракатларни ташкил этиш, ўз фанига ишлаб чиқаришни интеграциялаш, XXI аср кўникмаларни, аввало, ўзида шакллантириш, кутилаётган ўзгаришларни олдиндан башоратлаш, юзага келадиган касблар дунёсини англаш, шунга мос билимларни ўзлаштириш, ўқув-тарбия жараёнида сифат кўрсаткичларига эришиш лозим.

Ўқитишининг педагогик ғоялари: ўқувчиларнинг ёшлигиданоқ адабий ва ижодий қобилияtlарни шакллантириш, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш, жамоада шахсий маданият, оилавий ҳаётга

<sup>7</sup> Абдулла Авлоний

тайёрлаш каби ғоялар бугунги янгилик эмас, бу ғоялар методологиянинг туб илдизи саналади.

Ўқитувчилардан билим беришда ўқув жараёнини замонга мос шаклда ўзгартириш, унинг тадқиқот характерини таъминлашга эътибор бериш, ўқув ва когнитив фаолиятни ташкил этиш, таълимга лойиҳалаш, рақамли иқтисодиёт, моделлаштириш, эвристик ёндашувларини жорий этиш талаб этилади.

Ўқитувчиларнинг касбий функциялари: ўқувчиларни замонавий ижтимоий-маданий вазиятнинг ўзига хос талабларига мослаштириш, кутилаётган мутахассисликларни эгаллашларида кўмаклашиш, билим олиш жараёнида илгари сурилган ёки ўқитувчининг эвристик қўрсатмалар ва дастурлари асосида мустақил равишда шакллантирилган когнитив муаммоларнинг турли ечимлардан қарор қабул қилишга ўргатишдан иборат. Ушбу белгиланган талабларни бажариш учун ўқитувчилар ўқув жараёнида инновацион таълим, технологиялар ва методларининг натижавийлигини кўриш, англаш ҳамда инновацион ва экспериментал фаолиятни ривожлантириш, янги қирраларини кашф этиши мақсадга мувофиқдир.

“Ёш ақл ўзи ноқислиқдан халос бўлмайди; унга намуна, идеал керак”-дейишади. Демак, ўқитувчилар ҳақиқий намунадирлар, ўзининг миллий тили, дини, юртига содик қилиб ўстиришга, яъни Ватанининг гуллаб-яшнашига бор иқтидорини сарфлашни биладиган, истайдиган қилиб тайёрлашга аҳамият қаратиш лозим. Инсоннинг касбий шаклланиши ва мутахассис сифатида камолга етишини унинг ҳаёт йўлидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Буни компетент ўқитувчилар яхши билишади. Компетент ўқитувчилар билимдон, сўз ва иш бирлиги, уддабуронлик, тажрибалик, масъулиятлик, ўқитиш жараёнида зарурий талаблари – олдиндан башорат этиш, кузатувчанлик, кўра билиш, ўқувчилар ўртасида самимий, соғлом муҳит ўrnата олиши қобилиятига эга бўлишади.

Бугунги ўқитувчилар қўллаётган технологияларнинг натижавийлигига қараб методологияси (касбий маҳорати) кучли деб баҳоланади. Демак,

ўқитувчининг ўз устида ишлаши, педагогик-психологик қонуниятларга таянган ҳолда режаларини: умумий мақсадларни, мақсадга эришиш йўлларини(турли шакл ва методлар, дидактик тамойиллар) ҳамда берган билимлари келгусида муҳим аҳамият касб этишини билиши керак.

Хулоса қилинганда, таълим-тарбия жараёнининг мақсади, мазмани ва методларини бирлиги шахсни шакллантириш ғоясини амалга ошириш учун хизмат қиласди. Маълумки, шахс билим, тарбия, маънавий-ахлоқий сифатва қадриятларни навбатма-навбат эмас, балки яхлит тарзда ўзлаштириб боради, шу боис, ўқитувчиларнинг методикаси яхлитлик, узвийлик, тизимлилик характеристига эга бўлиши лозим.

Шундагина, Юртбошимиз қўяётган талабларга мос ал Хоразмий мактабида кучли математиклар, “Ижод мактаблари”да етук шоирлар тарбияланади, эртанги қунимизнинг таянчи ва суюнчи бўлмиш ёш авлоднинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдиди ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етади.

## **II. РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН**

Бугунги кунда янги таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш ва барқарорлаштириш ҳамда фуқароларнинг билим олиш ҳукуқларини таъминлашда ривожланган хориж давлатларининг тажрибасидан фойдаланиш миллий дастуримизга мослаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Маълумки, ҳар бир соҳада “илғор тажриба” мавжуд. Илғор педагогик тажриба деганда, ўқитиш жараёнида янги имкониятлар очадиган, мавзуни тушунтиришда янги метод, услугуб ва шакллардан фойдаланган ҳолда ижодий натижага эришадиган тажриба тушунилади.

Методологияда тажрибалар ўзига хос хусусиятларига қараб фарқланади:

үқитиш жараёнида методлар қўлланилишига нисбатан яхши натижа кўрсатувчи тажрибасига;

ўқувчиларни бошқара олиш, ўзига жалб қилиш тажрибасига асосан бошқариш фаолиятига;

янги, ноёб билимлар яратувчиликка, тадқиқотчиликка, ижодкорликка йўналтириш тажрибасига;

тажриба, таҳлил ва эксперт ишларини ўтказиш касбий маҳоратига қараб тажрибалар алмашиш кузатилади.

Ҳар қандай тажрибани тўғридан тўғри қўллаб бўлмайди. Уларни миллий хусусиятимиздан келиб чиқсан ҳолда метод бўлса мавзуга, дарс босқичига; тадқиқотчилик ҳаракатлари бўлса ўқувчилар ўзлаштиришига мослаштириб қўлланилади. Фақат танланган илғор иш тажрибалари танлашда: унинг долзарблиги; қўллаш учун шарт-шароитнинг яратилганлиги; тажрибанинг яхши натижага олиб келишига аҳамият бериш лозим.

Жанубий Кореяда таълим муассасаларида билим бериш ва уни баҳолаш услублари бошқаларницидан анча фарқ қиласди. Ўқувчилар дарсларини ўzlари вақтларига қараб белгилашади. Ўқитувчиларни ҳам ўzlари танлашади. Таҳсил оловчилар маъруза жараёнларига ўzlари тайёрланади ва ўzlари ўқиди. Ўқитувчилар уни фақат бошқариб туради, улар учун давомат, маъруза, конспектлар унчалик муҳим эмас. Энг асосийси, ўқувчилар олган билимларни амалда сифатли қуллай олишга бўлган ўзаро ишонч муҳим. Жанубий Корея методологиясида Blended learning технологияси кўп қўлланилади.

Аслида, “Blended learning” аралаш ўқитиш тизими бўлиб, мустақил равишда билимларни Online орқали ва кундузги ҳолатда ўқитувчи иштирокида ўрганилади. “Blended learning” деганда, “шу ерда ва ҳозир” деган маънолар тушунилади. “Blended learning” технологиясида асосан, тютор, супервизорлик ва модераторлик фаолиятига таянилади. Тютор – бу ўқитувчи. Муҳими ўқитувчи, унинг асосий мақсади фақат билим бериш эмас, боланинг мақсадга эришиши учун мустақил равишда ҳаракат

қилишга ўргатиш. Тютор – педагог ўқувчиларнинг мустақил равишида мақсадини белгилашига, ўз камчиликларини тушунишга ўргатади. Супервайзер (инглиз “supervise”–кузатиш дегани) – кузатувчи. У таълим жараёнидаги камчилик ва ютуқларини кузатади. Шунингдек, администратор саволларини ечишга ҳаракат қиласи, у креатив кузатувчи, коммуникативлик, ижрочи, масъулиятли, стратегик фикрловчи шахс сифатида қуидаги вазифаларни бажаради:

- шахсни танлаш ва ўқитиш;
- ўқувчиларга топшириқларни бўлиб бериш;
- ўқувчилар билан ўзаро муносабатга кириша олиш;
- таълим сифатини назорат қилиш;
- ўқувчилар фаолиятидан хабардор бўлиш каби.

Модератор эса ахборотларни текширади, ўрнатилган тартибда таҳрир қиласи.

Жанубий Корея ёшларининг таълимга қизиқишининг асосий сабаби сифатида ўқувчиларнинг қўшимча таълим билан қўп шуғулланишлари ва мактабда ўқувчилар учун амалий машғулотларга бир неча соат вақт ажратишларида кузатилган.

Японияда эса, таълим тизимининг бошқарув структураси барча таълим тизимлари муассасалари фаолияти учун ягона таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги (MEXT) орқали бошқарилади.

Япония таълим тизимида ўқув дастурлари ҳар йилда янгиланиши ва такомиллаштирилиши хусусияти, фан йўналишларидағи замонавий янгиликлар, ўзгаришларнинг ўқув дастурларида акс эттирилиши билан характерланади.

Япония методологиясини кузатадиган бўлсак, "kaydzen" методи мавжуд, унда "бир дақиқа" тамойили ётади. Бу методнинг принципи шундан иборатки, одам аниқ бир иш билан бир дақиқада шуғулланади, лекин ҳар куни ва бир вақтнинг ўзида. Вақтнинг бир дақиқаси жуда оз бўлса-да, бу ҳар қандай одам учун осонликча бажарилиши мумкинлигини англатади. Бу метод таълимда турли шаклларда қўлланилиб, ижобий

баҳоланган. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатида ўзгариш кузатилган. Ярим соат давомида бажарилмаган хатти-ҳаракатлар, бир дақиқада осонгина бажарилган. Япон тилида "kaizen" сўзи "доимий такомиллаштириш" деган маънони англатади.

Шунингдек, Сингапур таълимининг жаҳонҳамжамиятида ижобий натижаларга эришаётганлиги ҳам сир эмас.

Маълумки, Сингапур PIRLS тадқиқотида Сингапур аҳолисининг саводхонлиги дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сингапур мактабларининг ўқувчилари 1995 йилдан буён математика ва табиий фанлар TIMSS бўйича халқаро билимлар имтиҳонларида дунёдаги энг яхши натижаларни кўрсатмоқда.



Сингапур методологиясида дарс сифатини оширишга қаратилган қатор методларнинг қўйидаги шаклларини кўришимиз мумкин:

Metro boshqarmasi - синфни бошқариш методи, ўқувчилар 4 кишидан иборат битта жамоада тақсимланади: ҳар ким ихтиёрий бир-бирининг ёнида ўтиради ва мавзуга оид ҳақиқий рақиб каби алоқа қиласди.

HI file - дарснинг бошланиши ёки бирон бир топшириқнинг белгиси сифатида ўқитувчининг кўтарилган кафтига дикқатни жамлаш.

Jot toast - "фикрни ёзиб олиш" - ёзувда тезкор бажариш, уни баланд овозда гапириш. Бу методда натижалари таҳлилига алоҳида аҳамият беришган.

Tik-Tek-ToU- диаграммада керакли сўзлар билан жумлаларни тузиш вазифасида болаларда танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантириш. Масалан, сўзлар рақамлар билан мукаммал ўзгартирилади.

STE ZE CLASS- "синфни аралаштирумок" ўқувчиларнинг мавзу бўйича максимал фикрлар ва жавоблари тўпланади фикрлар яқинлиги бўйича рўйхати тузилади, сўнг шу асосда қайта жойлашишга рухсат берилади. Мавзуга оид барча умумий таҳлилларни ўзлари ўтказадилар.

KONEPS – синф бурчакларига олдиндан топшириқлар жамланган, ўкувчилар ўзларининг танловларига кўра синфнинг бурчакларига тақсимланади ва саволлар бўйича фикрларини айтишади.

SIMALTINIUSS ROUND жадвал - бу гурухнинг барча аъзоси ёзма топшириқларни бажаради ва охирида текшириш учун қўшнига айлана шаклида бериладиган метод тури.

KYUZ-KYUZ-TRADE- ўкувчилар бир-бирларининг билимини текширишади ва ўрганилган таҳлиллар асосида дарс беришади.

ТИМЕ ПЕА ШЕА - икки иштирокчи вақтни белгилаб назорат қиласди. Мавзу бўйича тўлиқ жавоблар билан алмашадилар.

МИХ ПЕА ШЕА - бу синфнинг ихтиёрий аралашмаси, мусиқа тугаши билан тасодифий жуфтлик ҳосил қиласди ва мавзуни қисқа жавобларда (RELLY ROBIN) тўлиқ ҳажмда муҳокама қиласди.

Сингапур халқаро давлатлар орасида таълимда юқори натижаларга эришаётганлиги билан оммалашиб бормоқда.

Франциянинг ўқитиш тажрибаси кузатилганда, таълим вазирлиги қошидаги масофадан ўқитиш миллий маркази (CHED) электрон таълим платформасида фаолият юритади. Бу тажрибадан 2017 йилгача дунё бўйлаб 237000 ўкувчи фойдаланган. Таҳлилларга кўра бу масофавий таълим платформаси 15 миллион ўкувчига мўлжалланган. 2019 йил Intel сунъий Интеллект (A1) ва автоном тизимлар каби асосий саноатнинг "кириш нуқталари" устида ишлайдиган дастлабки стартапларга қаратилган Ignite дастури ишга туширилди.

Ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрнига эга бўлиш, халқнинг бой интеллектуал меъроси ва умумбашарий қадриятлари асосида, замонавий маданият, спорт, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

### **ЎҚИТУВЧИЛАРГА БЕЛГИЛАНГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР:**

истиқболли технологик, замонавий стандартларга мос келувчи, йўналишларни тадқиқ қилиш ва жорий этиш;

ўқувчиларда технологик саводхонлик, танқидий, креатив ва тизимли фикрлаш юзасидан билим, кўникмаларини, лойиҳалаш, технологик ва тадқиқотчилик маданиятини ривожлантириш;

касб танлашда мустақил қарор қабул қилишга ўргатиш, меҳнат бозорида зарур бўладиган таянч компетенцияларни шакллантириш;

ўқувчилар натижаларини миллий ва халқаро баҳолаш тадқиқотларида иштирок этишни таъминлашдан иборат.

ўқувчилар эгаллаган билимларидан амалда фойдаланишлари сабабли улар улғайиб, вояга етгач, реал ҳаётда учрайдиган турли муаммоларга дуч келишганида, масалан, атроф-муҳит ифлосланиши бўладими, иқлим ўзгаришими, ечим қила олиш кўникмалари шаклланган бўлади.

Хулоса қилинганда, бу ёндашувлар ўқувчиларда янгича фикрлаш ижодий ва таҳлилий кўникмаларини ривожлантиришга асосланган.

**“Амалий ўрганиш” методи.** Бу методда таълим сифатини ошириш учун такорий ҳаракатлар бажарилади. Асосий эътибор маълум бир маълумот бўйича ақлий ҳаракатлар машқларига қаратилган бўлади.

Бу методда жисмоний машқлар шаклини танлаш (оғзаки, ёзма, график, машғулот) ўрганилаётган мавзунинг мазмунига ёки ечилаётган муаммога ва ўрганувчи хотирасининг устувор шаклига (визуал, эшитиш, механик, мантиқий) боғлиқ. **“Давра сұхбати” методи.** Бу метод 2 ёки ундан ортиқ ўқитиши жараёнида қўлланиллади. Ўрганувчи ёки ўқувчининг ўзаро фикр алмашинишига кенг имконият яратилади. Ўрганувчи ўзининг қизиқтирган саволларига эркин мулоқот орқали билишга эришади.

## 2.1. ИМЕА(АРИЗ)/ ИМЕТ(TRIZ) МЕТОДИКАСИ

IMENA (ARIZ) – имен (TRIZ) услуби

IMEN (TRIZ) – ихтиро масалаларини ечиш назарияси



Илмий ижодкорлик технологиясини яратиш устида 1946 йилдан эътиборан иш бошланган. Бу янги технология TRIZ (Теория решения изобретательских задач) деб номланган. TRIZ ҳақидаги биринчи маълумот матбуотда 1956 йилда пайдо бўла бошлаган. Г. Альтшуллер (1926 й. Тошкент ш. туғилган) 1958 йили TRIZни ўргатиш бўйича биринчи ўқув семинарини ўтказган. Бу метод ижодга мойиллик инсон ўзини намоён этишининг юқори фаоллиги, янгиликни яратиш қобилияти, инсон фаолиятининг ҳар қандай кўринишида ўзига хос аҳамиятга эга.

IVENнинг асосий ғоялари тадқиқотчилик бўлиб, назария муаммоларнинг ижодий ечимини топиш, билим ижодий иш жараёнида бир восита сифатида кашфиёт сирлари ифодаланади.

IVEN назариясида асосий ўринни ижодий тасаввурларни ривожлантириш (ITP) масаласи эгаллайди. IVEНнинг асосида ривожлантирувчи таълим технологияси ҳисобланган муаммоли изланиш методлар турди. Ихтиорилик вазифаларини ечиш назариясининг ўзига хос тамойилларига қўйидагилар киради:

ўқитишга фаолиятли ёндашув;  
назарий хуносаларни шакллантиришга йўналганлик;  
ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги икки томонлама мулоқот;  
таълим жараёнида муаммоли масалаларни, муаммоли вазиятларни қўллаш.

IVEN – ишлаб чиқаришни, янги техник фикрларни аниқ фанга айлантиради, ихтиROLи масалаларни ечишга ёрдам беради.

IVEN – таълимда эскиликлардан воз кечишидир. IVEН элементлари фақат техник соҳаларда эмас, балки таълим-тарбия, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам ишлатилиши мумкин. Ҳаёт ва табиатдаги ҳар бир предмет, ҳар бир модда, ҳодиса, воқеа, обьектда иккиламчилик сири, қарама-қаршилик мавжудлиги ўқувчиларни ҳар бир нарсанинг нимасидир яхши-ю, нимасидир ёмон, бир томондан фойдали, иккинчи томондан зарарли, бир жиҳатдан ҳалал берса, иккинчи жиҳатдан зарур эканлигига қизиқиш уйғотади ва уни топишга ундайди. Бу билан ўзлаштирилиши қийин

бошлаган айрим материалларни IVEN элементлари орқали осонлик билан ўзлаштира олиш имкониятига эга бўладилар.

Таълим амалиётида TRIZ методикаси қўлланилиб, изланиш ва тадқиқотли таълим методлари асосида инсоннинг тафаккур юритиш хусусиятларига таянади. TRIZ ёндашув алгоритм ва моделларни тадқиқотчилик таълимига татбиқ этишга, муаммога йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга қаратилади.

Бунда билим олиш инсонга фикр юритиш, эслаб қолиш ва улардан амалий фойдаланишни енгиллаштиришга қаратилади.

TRIZга асосланган педагогик технологияларнинг мақсади ижодий методларни ўргатишdir.

Қўллашдан мақсад:

- ғояларни қидириш,
- кўплаб ижодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш;
- истиқболли ечимларни танлаш,
- ижодий тафаккурни ривожлантириш,
- ижодий шахсни шакллантириш.



TRIZ методикаси ушбу мақсадларга жавоб топишга ёрдам беради.

TRIZдан фойдаланадиган дарсларда билим ва кўникмаларни шакллантириш амалий ҳаракатларда кўринади.

Ижодкорлик ўзини намоён қилиш, яратиш, янгисини олишга интилиш имкониятини беради, билимга бўлган эҳтиёжни ривожлантиради.

Бу истиқболли технологик, замонавий стандартларга мос келувчи йўналишларни тадқиқ қилиш ва жорий этиш, ўқувчи шахсида тизимли фикрлаш, мулоқотчанлик, ўз-ўзини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини, лойиҳалаш-технологик ва тадқиқотчилик маданиятини шакллантиришга имкон беради. Тадқиқотлар – у ёки бу воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни тасвирлаш ва тушунириб бериш, уларни ишлаш механизми ва қонуниятларини очишдан иборат.

TRIZ методикаси (ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назарияси) болалар билан турли хил фаолият турларини ўз ичига олади: фронтал, индивидуал, гурӯхлар ўқитувчининг раҳбарлиги остида барча ўқувчиларининг биргалиқдаги ҳаракатларини ўз ичига олади.

Креатив фикрлаш – бу инновацион (янги, новатор, оригинал, ностандарт, ноодатий ва ҳоказо...) ва самарали (амалий, натижавий, тежамли, оптимал ва ҳоказо) ечимларни топиш, янги билимларни эгаллаш, тасаввурни таъсирчан ифодалашга қаратилган ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида самарали иштирок этиш қобилиятидир.

Креатив фикрлаш бизга муаммоларни ҳал қилишда ноодатий ечим топишга ёрдам беради. Бироқ биз уни танқидий фикрлаш билан адаштириб юбормаслигимиз, аксинча, бизга имконсиз муаммоларни ҳал қилишда бир-бирини тўлдириб туради деб қарашимиз керак.

TRIZ технологиясининг мақсадларини амалга оширишнинг асосий оғзаки методлари: "Визуал ўқитиш", "Сұхбат", "Диалогик", "Синов ва хато", "Brainstopming" (ақлий ҳужум), "Синквейн", бўлиб, бунда ўқитувчи пухта ўйланган саволлар тизимини белгилаб, ўқувчиларни янги материални тушуниб олишга йўналтиради. Эвристик сұхбат давомида ўқитувчи ўқувчиларнинг билимлари ва амалий тажрибаларига таяниб, уларни янги билимларни тушунишга ва ўзлаштиришга, қоидалар ва хулосаларни шакллантиришга олиб келади.

TRIZ технологиясида "Синов ва хато методи", "Brainstopming" каби мунозара шаклларига алоҳида эътибор қаратилади, чунки бу тушунчалар ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назариясига яқинлаштиради.

Бу технологияда ахборот манбалари билан ишлаш, маълумот манбалари ва мустақил ишлашнинг бир қатор методлари қўлланилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: эслатма олиш, матннинг режасини тузиш, иқтибос қилиш (чиқиш маълумотлари), изоҳ (мазмунининг қисқартирилган мазмуни), кўриб чиқиш (ўқиган нарсангизга муносабатингизни билдирган ҳолда қисқа шарҳ ёзиш), расмий мантиқий

модел - ўқиганингизнинг оғзаки-схематик тасвирини тузиш, тематик тўплам тезислар (бўлим, мавзу бўйича асосий тушунчаларнинг тартибга солинган тўплами), ғоялар матрицасини тузиш (бир хил объектларнинг қиёсий тавсифи, турли муаллифлар асаридағи ҳодисалар), маълумотнома (изланишлардан сўнг олинган нарсалар тўғрисида маълумот) ва бошқалар.

**“Визуал ўқитиш” методи.** Бу методда визуал ўқитиш яъни ўқувчилар кўргазмали қўлланмаларни (жадваллар, расмлар, бадиий буюмларнинг репродукциялари, доска эскизлари ва бошқалар) намойиш этишлари керак.

Намойиш этишда ўрганилаётган мавзуу ва ихтирочилик вазифаларининг мазмуни билан боғлиқ бўлган асбоблар, экспериментлар, техник қурилмалар, фильмлар, тақдимотлар ва бошқаларни намойиш қилишни ўз ичига олади. Ихтирочилик вазифаларини шакллантириш учун ўқитувчилар техник воситани, кўргазмали қуроллар, видео, биологик объектни ва бошқаларни намойиш этганда ўқувчиларнинг ўзлари керакли маълумотларни топишади.

**“Хатога йўл қўйинг” методи.** Бунда дарс жараёнида ўқитувчи қасддан хато қиласди. Аввал ўқувчилар бу ҳақда олдиндан огоҳлантирилган бўлади. Баъзан Сиз, ҳатто хавфли нарсани таклиф қилишингиз мумкин. Бундан кўзланган мақсад, болаларни огоҳлантиришга ўргатиш. Хатолар ушбу ҳийла-найрангнинг мақсади эмас, масалан, хатони тушуниш ёки механик равишда тўғри жавобни эслаб қолиш ва ноқулай вазиятларда чиқиб кетишга асосланган. TRIZга асосланган педагогик технологияларнинг мақсадли йўналишлари бу-шахснинг ижодкорлик пойдеворини шакллантиришdir.

Бундай топшириқлар мустақил режа тузишни амалга оширишда яхши самара беради. Лойиҳавий топшириқларни бажариш учун ўқитувчидан кўрсатиш, тушунтириш, изоҳлаш талаб этилса, ўқувчиларга асослар, фактлар материаллар тўплаш, ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилади.

Намуна учун, 8- синф. Биология фанидан “Уйқу ва унинг аҳамияти” мавзусини ўтишда ўз тақдимотида қуйидаги маълумотларни тушунтиради:

Уйқу- бу бош мия ярим шарларидаги тормозланишнинг биологик ҳолати. Уйқу инсон танасининг дам олиши, ривожланишида муҳим ҳамиятга эга. Уйқу меъёри инсонларда ёш хусусиятига қараб фарқланади.(масалан, гўдаклик даврида- 20-22 соат, 1 ёш даврида-16 соат, катталарда-8 соат ажратилади) .

Уйқу биологик, гипноз, наркотик (кучизлантирувчи дори воситаларидаги уйқу, операцияларда) уйқуларга бўлинади. Уйқу инсон организми дам олиши билан бирга мия уйқу даврида ҳам анализ ва синтез қиласи, ахборотни қайта ишлайди. Уйқу тарихда турлича талқин қилинган. Қадимги Мисрда уйқуни Худо томонидан тақдим этилган инъом деб қаралган. Уйқунинг меъёрида бўлмаслигини уйқу (“Ойпарастлик”, “Уйқусизлик”) касалликлари келтириб чиқаради.

**Намуна:** Гуруҳларнинг лойиҳа мавзулар: 1. “Ушбу мавзуда мени ҳаммасидан кўпроқ тушда кўрган хаёлий воқеаларнинг орзуларга алоқаси қизиқтиради”. 2. Мен шуни аниқлаштирмоқчи эдимки, “Ойпарастлик” уйқусининг инсон ҳаётида қанчалик салбий оқибатлари аниқланган. 3. “Уйқусизлик инсон соғлиги учун қанчалик аҳамиятга эга” каби.

Ўқувчилар бу лойиҳа устида ишлаш учун қанчалик кўп материал тўплаши мумкин. Шунда дарслиқдаги маълумотлар бу материаллар олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Ўқувчилар фанни мукаммал эгаллашда бу метод ҳар томонлама қулайлиги аниқланган.

**3.4. “Импульс – плакат” методи.** Бу методда ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклда топшириқлар берилади, дарсларнинг мустақкамлаш қисмига кўпроқ тўғри келади.

“Импульс – плакат” методини қўллашда ўқитувчи ҳар бир ўқувчи учун ватман вараклари ва маркерлар тарқатади. Столларнинг устига охиригача етказилмаган фикрлар ёзилган плакатлар қўйилган:

«Ушбу мавзуда мени ҳаммасидан кўпроқ .....қизиқтиради»,  
«Мен шуни аниқлаштирмоқчи эдимки, .....»,

«Мен орттирган билимларимни ..... қўллайман»,  
«Ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида мен.....эришдим»,  
«Мен ..... тўғрисида кўпроқ билиб олмоқчи эдим»,  
«Мен учун .....мураккаб бўлди»,

Тахминан 20 дақиқа ушбу саволларни сарлавҳа қилиб олиш асосида ўқувчилар ўз лойиҳаларини яратишади, Буни гурухлар шаклида ҳам олиб бориш мумкин. Ҳар бир лойиҳа камидаги 10 сўздан иборат бўлиши, ихтиёрий манбалардан фойдаланиши тушунтирилади. Лойиҳалар яратилгандан сўнг плакатлар илиб қўйилади.

Ва ўқувчиларнинг айланиб ўқиб чиқиш асосида мавзу мустаҳкамланади. Бир ўқувчи илғамаган нарсани ватман варакдан ўқиши мумкин.

Методдаги анонимлик ўқувчилар бошқа вазиятда сукут сақлашни афзал кўриб айтмаган фикрларини баён этишга ёрдам беради. Бу методда умидлар ва истаклар ўқитувчига келгусида машғулотларни режалаштириш ва ўтказиш вақтида ўз ҳаракатларини тўғрилашга имкон беради. Ўқувчилар саволларни қўйидаги мавзуларда ўз лойиҳаларини яратишган.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ҳамда табақалаштириш орқали, босқичма-босқич ўқитишиш имконияти яратилади:

- ўқитишининг узлуксизлигини таъминлаш;

- ўқитиши индивидуаллаштириш;

- ўқув материалыни мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;

- ўқитиши жадаллаштириш;

- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.



### **III. ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Ҳамкорлиқда ўқитиши ўқувчи шахсига йўналтирилган технологиядир. Бу технология ижодкор шахсни шакллантиришга йўналтирилган ижодий

муҳитни яратиш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ҳамкорликда ўқитиш машғулотларнинг асосий жараёнлари: ҳамкорликда фикр алмашиш, суҳбат, таҳлил, мунозара, музокара, амалий вазифаларни бажариш, ўзаро ҳурмат, мустақил фикр билдириш, эркин ишлаш, масалалар ечишни ўз ичига олади. Ҳамкорлик технологияси ҳақида турлича фикрлар мавжуд: Росчеллеанд Теаслей (1995): "Ҳамкорлик машғулотлари қатнашувчиларнинг бўлининиши орқали амалга оширилади, фаолият сифатида ҳар бир киши муаммони ҳал қилишнинг бир қисмига жавобгардир ...". Дилленбоург (1999): "Ҳамкорлик бу қатъий белгиланган меҳнат тақсимотини англатади".

Ҳамкорлик технологиясининг тўртта асосий йўналиши мавжуд:

- шахсий-инсонпарвар ёндашув;
- дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи муҳит;
- тарбия: ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, эшитиш;
- атроф-муҳитнинг қамраб олиниши.

Ҳамкорлик технологиясида ўқувчилар топшириқни нафақат биргаликда бажариш, балки биргаликда ўрганиш, бир томонга ҳаракат қилиш, ўзаро тушунишга ўтиш, асосийси, эркин фикрлашдан иборат. Эркин мулоқот ўз-ўзидан ижодий, танқидий, мантиқий фикрлашга йўналтиради. Танқидий фикрлашда ғоялар ва уларнинг аҳамияти қўп фикрлилик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади ҳамда улар бошқа ғоялар билан таққосланади. Унда таҳлил, таққослаш, изоҳлаш, янгилик киритиш, муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, таҳлилларга кўра ҳамкорликка технологиясида ўқувчиларда қуйидаги имкониятларни бериши аниқланган:

- ўқувчиларнинг фикрлаш жараёни жадаллашади;
- ўқувчилар ўз олдиларига аниқ мақсадлар қўя бошлайдилар ҳамда ушбу мақсадга эришиш йўлларини излайдилар;
- ўқувчилар ўзаро ҳурмат, фаол мулоқотга киришиш кўнижасини эгаллайдилар;

- ўқувчиларда билим олиш, янги ахборотларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ортади;

- ўқувчилар орасида вужудга келган ранг-баранг фикрларни тинглаш ва мушоҳада қилиш имконияти яратилади;

- ўқувчиларда ўз фикрларини дадил баён қилиш эҳтиёжи вужудга келади;

- ўқувчилар эгаллаган билим ва тушунчаларини қайта ишлаш, улар ёрдамида фикр ифодалаш имкониятига эга бўладилар.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш жараёнини тизимли ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Натижавийлиги кузатилган:

- мавзу мазмунини яхши ўзлаштирган;
- ўз вақтида ҳар томонлама алоқалар таъминланган;

• мулоқотга киришиш кўниумаси такомиллашган;



- вақтни тежаш имконияти яратилган;
- барча ўқувчилар фаол ишлаган;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти яратилган.

Юртбошимиз ҳам бежизга: “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса – тараққиётнинг кафолатидир”, -дея алоҳида таъкидламаган.

Ҳамкорликда олиб борилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишини қондириб, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.

Ҳамкорликдаги таълим технологияларида “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Бахс-мунозара” “Дебатлар”, “Сухбат дарси”, “Кўргазмали, Намойиш”, “Тақдимот”, “Интерактив баҳслар”, “Ўйлаш ва Ишлаш”, “Рақамли ҳақиқат”, “Қора қути” “Кундаликлар” “Тоифалаш жадвали” методлари кўп қўлланилади.

Ўқитувчи мавзуни тушунтиришда методларни қатор кетма-кетлиқда қўллаш тавсия этилмайди. Мавзунинг моҳиятини яхши тушунишда 2 ёки 3 та методнинг натижавийлиги биз учун муҳимроқ. Ўқитувчи режалаштирган методдан фойдаланишнинг ўрни, унинг самарадорлигини билиши керак, ўз ўрнида хуносаларни асослаб изоҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, “Баҳс” методидан ижтимоий, гуманитар, филология фанларини ўқитишида ўқувчиларда бадиий, ижтимоий, маданий, тарихий воқеалар ҳақида мулоҳаза юритиб, фикрини баён қила олиш кўникмаси шакллантирилади.

**4.1. “Суҳбат дарси” методи.** Бу метод юқори синфларда мактаб кутубхонасида амалга ошириш мумкин. “Суҳбат дарси”ни ўқувчилар нутқий кўникмаларини ривожлантиришда ўқувчилар қўлига ўзбек тилида ёзилган матн берилади. Ўқувчилар ўзларига берилган матнни ўқиб кутубхонадаги ўша асарни топишга, асарда берилган матнни ўқиб гапириб беришга киришадилар. Матнни тушунмаган ўқувчилар луғатлардан фойдаланиши мумкин.

*Ўқитувчи суҳбатда кўпчилик ўртасида нутқ маданиятига риоя этишга эътибор қаратилади. Синтактик бирликлар(сўз бирикмаси ва унинг турлари, гап ва унинг ифода мақсадига кўра ва тузилишига кўра турлари)ни нутқда ўринли қўллашга аҳамият қаратилади.*

“Тадқиқот” методи ўқувчилар айрим тарихий воқеалар, жараёнлар ва урф-одатлар ҳақида тадқиқот ишларини ёзадилар ва ҳимоя қиладилар. Бу ўқувчиларда манбалар билан ишлаш, турли тарихий манбаларни таққослай олиш кўникмасини шакллантиради.


**4.2. “Заковатли зукко”** методида мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчиларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатларига эгаликлари муҳим аҳамиятга эга. Бу метод ўқувчиларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур тезликларини аниқлашга ёрдам беради. Метод ўз хоҳишлирига кўра шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган ўқувчилар учун қулай имкониятни яратади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга

қисқа муддатларда түғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтарилиган түғри жавоб учун баллар белгиланади.

#### 4.3. “Кичик гурухларда ва жуфтликда ишлаш” методи.

Бу гуруҳда 4-7 киши ёки жуфт гуруҳ ишлари ташкил қилинади. Гуруҳ иши ҳам ҳар бир ўқувчининг мустақил ишларини англатади. Энг самарали, гурухлар учун топшириқлар бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин.

Жумладан, 5-синф Адабиёт дарсида “Дунёning ишлари” асарини мустаҳкамлашда “Кичик гурухларда ишлаш” методидан фойдаланиш тавсия этилади. “Алла”, “Ҳаққуш”, “Гилам пайпоқ”, “Илтижо” парчалари қоғозга кўчирма қилиб олинади. Гуруҳ аъзоларига топшириқ тушунтирилиб белгиланган вақт асосида жараён бошланади.



Ўқувчилар матн билан танишиб чиқадилар ва ўзаро бир-бирлари билан фикр алмашадилар. Бу жараён барча гурухларда ўтказилиб, таҳлил қилинади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ аъзолари тарқалиб, бошқа-бошқа гурухлардан жой оладилар.

Янги гуруҳ тузилади ва гуруҳ ичида ўқувчилар навбатма-навбат мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, сўнг гуруҳ томонидан ихтиёрий матн тақдимот ўтказилади, матнни яхши ўзлаштиришга эришилади. Гуруҳ натижалари ҳисбот қилинади ва баҳоланади. Гурухларнинг таркиби тайёргарликда бир хил ёки турли хил бўлиши мумкин. Гурухларда ишлаш ўқувчиларнинг фаоллигини, ўзаро таъсирини, психологик қулайлик кузатади, рағбатлантиради.

Мисол учун, Ғафур Ғулом “Вақт” шеърида кенг фалсафий маъноларни илғаш ва кенгрок ёритиш учун жуфтликдаги гурухларда ишлаш тавсия этилади. Бўлинган ҳар бир гурухнинг жуфт гурухлари шеърнинг мазмунини таҳлил қилишса, иккинчи жутликлари қуидагича топшириқ берилади

1-гурұхға: “бір лаҳза” да нималар қилиш мүмкінлігінің аниқлаб өзишади.

2-гурұхға: Инсон умрини соат милларига қиёслаш топширилади.

3-гурұхға: “Вақт олий ҳакам” нақлининг маъносини изоҳлаш топширилади

1-гурұх: Лаҳза учун қўйилган ҳайкални қандай тасаввур қилиш мүмкін, лаҳза фурсатни ҳеч ким тўхтатиб қола олмайди. Шеърда асарлар тақдиди лаҳзада ҳал деганда, битта уруш (ўтмиш) ёки қонун белгиланиши асосида қанча-қанча ишлар шу асосда олиб борилиши назарда тутилган.

2-гурӯх: Инсон умри мисоли тўхтовсиз дарё, мисли шаршарадек кетаверади. Тошларга урилади, жилғалар ҳосил қиласиди. Вақт шеърида инсон умрининг тез ўтиши чиройли сатрларда тасвирланади.



3-гурӯхға: “Вақт олий ҳакам” нақлининг маъноси шуки, инсон тез хulosса чиқармасликка чақиради. Инсон ўйлаб юрган нарсалариға эришмаслиги ёки кутилмаганда эришиши ҳам мүмкін.



### “Узвийлик узлуксизлик” методи

Үқитувчи “узвийлик узлуксизлик” методи ўқувчилар ёш хусусиятига қараб янги мавзуни тушунтиришда қўллаш тавсия этилади. Мисол учун, бошланғич синфларда ўзбек тили дарсида синфлар гуруҳларга ажратилади. Биринчи гурӯх ўқувчиларни доира шаклида жойлаштиради ва бир-бирининг қўлини ушлаган ҳолда бир ўқувчи савол беради, иккинчиси ўқувчи шу сўз иштироқида ихтиёрий сўз топиши тушунтирилади, мавзуга оид ихтиёрий сўзлар берилади. Мисол учун, байроғимизда мовий ранг бор, иккинчи ўқувчи мовий осмон, учинчи ўқувчи осмон йироқ ер қаттиқ, тўртинчи ўқувчи, қаттиқ тош дейиши мүмкін. Иккинчи гурӯх ўқувчилари ўз жойларида айлана стол атрофида тенг вақтда сўзларнинг таржималарини өзишади. Ҳам оғзаки, ҳам ёзма, луғат устида ишлаш кўниқмалари ривожлантирилади. Үқитувчи



сўзларнинг мазмун-моҳиятини англатиши, луғат билан ишлашда кўмаклашиб бориши лозим.

“Тоифалаш жадвали” методида мавзуга оид тушунчалар ва хусусият ва муносабатларнинг муҳимлиги ажратиб олинади. Ажратилган тушунчалар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминланади. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмалари ривожлантирилади.

Жумладан, Адабиёт дарсида Ғафур Ғуломнинг “Билиб қўйки, сени Ватан кутади” шеъри. Шеърни ўқиб, ёдлаш билан чегараланиш бугунинг талаб эмас, албатта. Бунда, шеърнинг моҳиятини ёритиб бериш учун тоифалаш жадвали ишлаш тавсия этилди.

“Билиб қўйки, сени Ватан кутади” шеърида баркамол ёшларни Ватан кутаётганлигини, уларнинг Ватани олдидаги масъулияти шоирона маҳорат билан тасвирланиши.

Ватан - энг катта тақдир. Ватан - бу инсон ва унинг авлод-аждодлари киндик қони тўкилган олий даргоҳдир. Ватан - бу аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб камол топиб борадиган заминдир. Ватан - бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Тараққиёт Ватандан бошланади. Бугунги испоҳотларимиз ҳам шу ватанда сайқал топмоқда.

“... таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бизнинг устувор мақсадларимиздандир”

Ш. М. Мирзиёев

Ўқитувчи мавзунинг мустаҳкамлаш қисмида ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг бугунги кундаги, ватанимизнинг равнақи йўлидаги фидокорлигини, ёшларимиз учун кенг



имкониятлар берилаётгандынин таъкидлаб ўтиши лозим. Қуйидаги топширик ўқувчилар билан биргалиқда бажарилади.

Топширик: Ватан олдидаги бурчларингизни бажаришга киришдингиз, улғайгансиз, бирор касб эгасисиз, ишни нимадан бошлар эдингиз. Ушбу бурчларингизнинг рўйхати қуйидаги жадвалда келтирилган.

Сизнинг вазифангиз: Ватан олдидаги бурчингизни адо этиш учун энг муҳим ишларингизни тартиблаб чиқинг.

Бунда, энг муҳим бурч учун 5 бал, энг аҳамиятсиз бурч учун эса 3 бал қўйишингиз керак.

№	Ватаннинг олдида бурчлар	Балл	
		Индивидуал	Груп билан
1	Ватанпарвар бўлиш		
2	Фидоий бўлиш		
3	Ватанни ҳимоя қилиш		
4	Ватанни асрар, қадрлаш		
5	Ривожи йўлида ўз ҳиссасини қўшиш		
6	Ватан учун меҳнат қилиш		
7	Чуқур билимга эга бўлиш		
8	Жаҳонга танитиш		
9	Эгаллаган касби орқали Ватанга муносаб хизмат кўрсатиш		
10	Истиқполини янада мустаҳкамлаш		

1 босқич: ҳар бирингиз индивидуал тарзда бурчларга уларнинг муҳимлиги жиҳатидан бал қўйиб чиқинг ва ушбу топширикни бажариб бўлгунга қадар груп аъзолари билан муҳокама қилманг.

2 босқич: индивидуал тарзда бажариб бўлганингиздан кейин, худди шу ишни груп билан биргалиқда бажаринг.



## ЭВРИСТИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Эвристик ва тадқиқотчилик методлари ўқувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бу технология юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Қадимги

Юнонистонда Эвристика деганда Сүқрот томонидан ўқитиладиган ўқув тизими тушунилган, яъни ўқитувчи ўқувчини муаммони мустақил ҳал қилиш учун фикрлашга йўналтирилган. Эвристик ўқитиш ўқувчига нафақат билимларни эгаллаш, балки машғулотларнинг шахсий мақсадлари, ўрганилаётган фанни ўзлаштириш йўлларини, таълим натижаларини ифода қилиш шакллари ва баҳолаш имконини беради.

Эвристик таълим технологияларни сунъий Интеллектда ва математик оптималлаштиришда эвристик (юонча "топаман, кашф етаман") методлар жуда секин бўлганида муаммони тезроқ ҳал қилиш ёки методлар ёрдамида тахминий ечимни топишга мўлжалланади.

Эвристик таълим технологиясининг мақсади: ўқувчиларда мантиқий, танқидий, таҳлилий, ижодий фикрлашни ривожлантириш орқали баркамол шахсни шакллантиришдан иборатdir. Бу технология оптималлиги, тўлиқлиги, аниқлиги ва тезлиги билан ажралиб туради. Эвристик функция, шунингдек, оддий Эвристик деб ҳам аталади ва мавжуд бўлган маълумотларга асосланиб, ҳар бир босқичида қидириш алгоритмларида асосийларни жойлаштириб, қайси қадамга эргашишни белгилаб беради. Масалан, у аниқ ечимни тахмин қилиши мумкин. Бироқ узлуксиз таълим тизимига шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган, мавжуд шароитда ушбу йўналиш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу технология табиий ва аниқ фанларга кўпроқ тўғри келади. Жумладан, евристик қидирув гипотезада (Аллен Нешелл ва Ҳерберт А. Симон) физик белгилар тизими яратилаётган тузилма ечим тузилишига мос келмагунча қайта-қайта яратилган<sup>8</sup>

Эвристик технологиясида тадқиқотчилик методлари ўқувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил этади. Эвристик технология мустақил ишлашга йўналтиради, мустақил равишда янги билимларни ўзлаштирадилар.

---

<sup>8</sup> <https://yen.wikipedia.org>

**Фикрлаш бу** - инсон муаммони ҳал қиладиган ақлий жараён. Фикрлашнинг натижаси - бу сўз билан ифодаланган фикрдир.

Мантиқий фикрлаш бу —аниқ тасдиқланган билим ва маълумотларга асосланган фикрлашдир. Мантиқий фикрлаш замонавий технологияларнинг асосидир. "Мантиқ" сўзи юонча "сабаб" деган маънони англатади.

Фикрлаш, албатта, тушунчаларни шакллантиради. Вазият, ҳодиса, объект, уни тавсифлашга, тартибга солишга, таққослашга, шунга ўхшашлардан фарқларни топишга интилади ва ҳоказо.

Масалан, квадрат тенгламани ечишда аниқ факт керак деб ҳисоблаймиз, аммо бунинг учун ҳам ижодкорлик ва хаёл парвози бўлмаса ишлаш учун фактлар камлик қиласи, янги ғояларда "ҳисоблаш" имконини беради.

Эвристик ўқитишида ўқитувчи олдида ҳар бир мавзунинг энг муҳим томонларини топиш ва ўқувчи учун дастлабки ижодий изланиш шароитларини яратиш масаласи туради. Ўқувчи ўз тушунчалари, тахминлари ва билишнинг бошланғич маҳсулотларини яратгандан кейингина унга мазкур муаммолар бўйича одамзотнинг ютуқлари билан танишиш таклиф этилади. Бунда ҳам ўқувчи тайёр билимларни оддий ўзлаштиrmайди, балки уларни ўз тажрибаси натижалари билан солиширади.

Ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришда: биринчидан, замонавий таълим беришда асосий урғу ўқувчиларнинг танқидий фикрлашларини шакллантирадиган ўқув материалларни танлашга қаратилиши лозим бўлса, иккинчидан, ўқитиш жараёнини дидактик лойиҳалашда ўқувчилар интеллектуалини оширувчи инновацион методлардан фойдаланиш лозим. Учинчидан, ўқувчиларнинг энг муҳим психологик хислатларининг алоҳида аҳамиятта эга эканлитини инобатта олиш (чунки танқидий фикрлаш ақлий фаолият, қизиқиш, муносабат, хулқатворнинг ташқи шакллари, ижтимоий-ахлоқий соҳада ўз ифодасини топиши муқаррардир) зарур.

Эвристик ўқитишининг қўллаш чегараларини ўқитувчи ўзи белгилайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, ўқув дастурининг ҳар қандай фан бўйича, ҳар қандай масаласини ўрганишни, ҳар қандай ёшдаги ўқувчиларнинг ижодий изланиши сифатида ташкил этиш мумкин. Ўқувчилар, одатда, ўзининг ижодий намоён этиш имконини мамнуният билан қабул қиласидилар ва белгиланган таълимий талаблар ва меъёрларни ошириб бажарадилар.

Эвристик ўқитиш ўқувчига нафақат билимларни эгаллаш, балки машғулотларнинг шахсий мақсадлари, ўрганилаётган фанни ўзлаштириш йўлларини, таълим натижаларини ифода қилиш шакллари ва баҳолаш имконини беради.

Тасаввур чексиз бўлгани ва у намоён бўлиши ҳар бир инсонга хос бўлгани учун педагог зиммасига ижодий фаолият орқали ўқув жараёнини ёрқин, динамик, қизиқарли қилиш масаласи юкланади.

Эвристик таълим технологиясида “Интервю”, “Қайта ҳикоя”, “Панелли мунозара”, “Эврика”, “Сўзлар баҳси”, “Менинг кашфиётим”, “Моделлаштириш” методлари қўлланилади.

**“Ротатсия” методини.** Бу методни кўпроқ юқори синфларда қўллаш тавсия этилади. Бу методдан (лотинча. “Rotatio” сўзидан “айланма харакат”) афзал билган нарсасини танлаш, ифодалиликни излаш, ўзаро бир-бирларининг бажарган ишларини текшириб кўриш мақсадида қўлланилади.

Ўқитувчи ўқувчиларга оқ қоғозлар тарқатади. Оқ қоғозга мавзу (“Банқда”, “Музейда”, “Кутубхонада”) ёзилган бўлади. Мавзу асосида ўқувчилар ҳаракатда ҳар бирига бориб ўзи билган мавзуга тегишли сўзларини ёзишади. Масалан, банқда сўзи ёзилган оқ қоғозга ўқувчи пул, кредит, маблағ, фойда каби сўзларни ёзишса, “Кутубхонада” сўзи ёзилган оқ қоғозга ўзи ўқиган китоблар ёзиш буюрилади ва изоҳини, луғатини киритиш мумкин. Бу метод ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма саводхонлиги, ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. Банқдаги ўқувчи ўзи ёзган сўзларининг маъносини кутубхонага борганда қизиқиб кўради, ўртоқларининг ишларига кўмаклашади. Мазкур методдан жисмоний тарбия

фанида амалий назарий дарсларда ҳам фойдаланса бўлади. (“Банқда”, “Музейда”, “Кутубхонада”) сўзлари ўрнига спорт турлари, спорт иншоотлари ёки спорт майдоналарини мисол келтирган ҳолда ҳар бир ёзилган маълумотларни ўқувчилар, гуруҳ аъзолари томонидан тўлдириб борган ҳолда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма саводхонлиги, ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантиради.

**“Эвристик таълим” методи.** Бу методда ўқувчилар олдига муаммо қўйилади ва улардан муаммонинг ечимини электрон кутубхона, лаборатория ва устахона, турли хил китоблар, манбалар орқали топишлари сўралади. Ўқитувчининг роли ўқув жараёнини бошқаришdir ва ўқувчилар бутун жараён давомида мустақил бажаришади. Ижодий фикрлаш ва хаёлий кучдан фойдаланиб, улар қандайдир мантиқа асосланган тегишли ечимларни топишга ҳаракат қилишади. Улар ўз тажрибаси билан ўртоқлашадилар. Ушбу ўқув стратегиясида қуйидагилар белгиланган:

1. Муаммони ечишга муносабатни ривожлантириш.
2. Муаммога илмий муносабатни ривожлантириш.
3. Ўз-ўзини ифода этиш қобилиятини ривожлантириш.

Унинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Бир вақтнинг ўзида ҳар бирига имкон қадар вақт ажратиш.
2. Ўқувчини иложи борича ўзини ўзи ўрганишга ундаш.
3. Муаммонинг энг мос ечимини танлаш бўйича кўrsатма бериш.
4. Муаммо дарс ва ўқув режаси билан боғлиқ бўлиш.
5. Илмий-тадқиқот ишларини якунлаш учун маълум вақт ажратиш.
6. Муаммоларни ажратишда ўқувчиларнинг қобилияtlари, қизиқиш ва мавзуни танлашни ҳисобга олиш керак.

Асосан, аниқ ва ижтимоий фанларнинг ўқитувчилари ушбу ўқитиш методини ўзларининг дарсларида қўллашса, бу ўқувчиларда ижодий ва ўзига ишончни ривожлантиришга ёрдам беради.

“Эвристик таълим” методи афзалликлари:

1. Когнитив, таъсирчан ва психомотор мақсадларга эришишга ёрдам беради, яъни боланинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради.

2. Ўқувчилар вазиятни мустақил ўрганиши. Бу, албатта, ўқувчиларда ўзига бўлган ишончни ривожлантиради.

3. Ўқувчиларда илмий муносабат ва ижодкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

4. Ўқитувчи ўқувчиларни муаммоларни ечишда атроф-муҳитни ўрганишга ундейди. Шундай қилиб, улар томонидан баъзи янги билимлар кашф этилади.

5. Ўқитувчи ҳар доим муаммони ҳал қилиш бўйича индивидуал кўрсатмалар беришга тайёр. Бу метод, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро таъсир кооператив, қулай муҳитда амалга оширилади.

**“Интервью” методи** юқори синфларда қўлланилади. Бир-бирларини яхши танимайдиган жуфтликлар тузилиб, уларга танишиб олишлари учун 2- 3 минут вақт берилади. Сўнг жуфтликнинг ҳар бир аъзоси бутун грухга ўз шериги тўғрисидаги маълумотларни бирор қизиқарли фактни қўшган ҳолда тақдим этади. Бунда грухдаги ҳар бир киши битта одам билан танишиши кафолатланади. Бу метод иштирокчиларга дадиллик ҳиссини беради. Бироқ бу методни 25 кишидан ортиқ грухда қўллаш мумкин эмас. Ижтимоий, гуманитар ва филология фанлари йўналишида қўллаш мумкин. Бирор мавзу доирасида ўзаро муҳокама шаклида ташкил этилади. Бир-бирининг фикрларини қўллаши, танқидий муносабатда бўлиши ва асосли фактлар билан фикрини ҳимоя қилиши назорат қилиб турилади. Танқидий фикрлаш ўз-ўзини баҳолашни ҳам ўз ичига олади

**“Панелли мунозара”** методида катта грухда ўтказилади (40 киши ва ундан ортиқроқ):

1. Мунозара муаммоси ўқитувчи томонидан ифодаланади.

2. Ўқувчилар 5-6 кишидан иборат кичик грухларга бўлинниб, хонада доира шаклида жойлашадилар.

3. Ҳар бир грух аъзолари мунозара давомида уларнинг нуқтаи назарини ҳимоя қиласидиган вакилни ёки раисни танлаб оладилар.

4. Муаммо кичик гурұхда 15-20 дақиқа давомида мұхокама этилиб, умумий нұқтаи назар ишлаб чиқилади.

5. Гурұх вакиллари доира үртасига түпланиб, гурұхнинг нұқтаи

назарини ҳимоя қилиш учун гурұх фикрини баён этиш имконига эга бўладилар. Қолган иштирокчилар мұхокама жараёни ва кичик гурұхлар вакиллари умумий нұқтаи назарни қанчалик аниқ ифодалаётганлари кетидан кузатадилар. Улар ўз фикрларини баён этишлари мумкин эмас, лекин мұхокама давомида ўз муроҳазаларини ёзиб қўйган кичик мактубларни узатиш имконига эга бўладилар.

6. Гурұх вакиллари бошқа аъзолар билан маслаҳатлашиб олиш учун танаффус олишлари мумкин.

7. Панелли мұхокама ажратилган вақт тугаганидан сўнг ёки қарор қабул қилинганидан кейин якунланади.

8. Мунозара тугаганидан сўнг гурұх вакиллари мұхокама қандай кечганлиги юзасидан танқидий муроҳаза юритадилар, қарорлар эса барча иштирокчилар томонидан қабул қилинади.

Кўпроқ гуманитар ва табиий фанлар дарсларида қўлланилади.

## **МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Болаларни ҳаёт муаммоларидан ҳадеб ҳимоя қилаверманг. Чунки улар ҳам келгусида яшаш учун курашиб, муваффақиятга эришиш учун ҳаётий тажриба орттиришлари керак.

Э. Кюблер-Рос

Муаммоли таълим назарияси XX аср 60 йилларида қўлланилди. Ўқувчиларнинг изланишларини, мустақил фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган. Муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларига тааллуқли, чунки бу ерда шахс субъект. Муаммоли



ўқитиши, ўқитишнинг энг табиий самарали усулидир, чунки илмий билимлар мантиғи ўзида муаммоли вазиятлар мантиғини намойиш этади.

Биз доимий равища ҳар бир ишда муаммоларни ҳал қиласиз. Аммо, ҳар қандай ўқув материали ҳам муаммоли баён этишга мос келавермайди. Ўқувчиларга фанни ўргатишида муаммоли вазиятларни яратиш осон. Муаммонинг мураккаблик даражаси – мазкур муаммо доирасида ўқувчи учун маълум ва номаълумлар нисбатига кўра аниқланади.

Муаммоли таълим технологиясининг учта асосий шакли мавжуд.

1. Ўқув материалини муаммоли баён этиш – маърузавий машғулотларда монолог тарзда, семинар машғулотларида эса диалог тарзда олиб борилади. Ўқитувчи маъруза пайтида ўқув материалини баён этаётганида муаммоли масалалар тузади

2. Қисман изланувчан фаолият тажрибалар, лаборатория ишларини бажаришда муаммоли семинарлар, Эвристик сұхбатлар давомида намоён бўлади. Ўқитувчи муаммоли саволлар тизимини тузади, бу саволларга жавоблар олинган билимлар базасига таянади,

3. Мустақил тадқиқот фаолиятида таҳсил оловчилар мустақил равища муаммони ифода этадилар.

Муаммоли вазиятни ўқув машғулотларининг барчасида шакллантириш мумкин. Уни дарс жараёнида қанча кўп шакллантириш ўқитувчига боғлиқ. Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки, у ўқувчилар диққатини бир жойга (муаммога) қаратади ва ўқувчиларнинг изланишига, фикрлашга ўргатади.

Муаммоли таълим ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчиларнинг фаол, мустақил фаолияти натижасида назарий билим, амалий кўнирма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутади.

Муаммоли ўқитиши жараёнида бериладиган топшириқлар Муаммоли ўқитиши жараёнида ўқувчиларга тадқиқий, эвристик, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш бўйича топшириқлар берилади.

Бунда:

- ностандарт масалаларни тузиш бўйича;
- шакллантирилмаган савол билан;
- ортиқча маълумотлар билан;
- ўзининг амалий кузатувлари асосида мустақил умумлаштириш;
- йўриқномалардан фойдаланмасдан қандайдир обьект моҳиятини баён этиш;

• олинган натижаларни қўллаш чегараларини ва даражаларини аниқлаш;

- ҳодисанинг намоён бўлиш механизмини аниқлаш;
- “бир лаҳзада” топиш каби топшириқларни бериш мумкин.

Муаммоли вазиятларда ечимга келишнинг алгоритми қуидаги тартибда амалга оширилади. Муаммони қўйиш, маълумотлар фондини тўплаш, қайта ишлаш, ечим моделини аниқлаш, қўшимча маълумотлар тўплаш ва уларни танланган ечим моделида акс эттириш, янги маълумотлар ва ечим модели ўртасидаги зидликни аниқлаш, зидликнинг ечимини топиш, янги ечим моделини яратишдан иборатдир.

Муаммоли таълим технологиясида муаммо ечимининг қандайдир параметрлари кўрсатилса, у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони, муаммоли вазиятни қамраб олади. Ўқитувчи, топшириқ беришда муаммоли вазият билан муаммонининг фарқларини тушунтириши лозим.

Муаммоли таълим технологиясини қўллашда ҳам қатор методлардан фойдаланилади: “Муаммоли топшириқ”, “Case study”, “Фокусли обьектлар”, “Муаммоли вазият”, “Нима учун схемаси”, “Танқидий тафаккур” каби.

“Case study” методидаги “Case” сўзи, лотинча “casus”- “воқеа, ҳодиса” сўзидан келиб чиқкан. Бошқача айтганда, бу тушунча ҳаётда юз берадиган қандайдир воқеа ёки ҳодисани, аниқ бир вазиятнинг тафсилотини англатади. Умуман олганда, case – study (аниқ бир ҳолат ёки вазият), муайян жараёнида содир бўладиган ҳақиқий воқеликни сўзлар, рақамлар, образларда ифода этишда намоён бўлади.

“Case study” методи (Case study) – бу реал иқтисодий ёки ижтимоий вазиятлар таърифини қўллайдиган таълим бериш технологиясидир. Бунда вазият деганда бирон аниқ ҳодисанинг таърифи назарда тутилади. Гурухга ҳақиқий ахборот тақдим этилиб (у ҳақиқий ҳодисага асосланган ёки ўйлаб чиқилган бўлиши мумкин), муаммоларни муҳокама қилиш, вазиятни таҳлил этиш, муаммонинг моҳиятини ўрганиб чиқиш, уларнинг тахминий ечимларини таклиф қилиш ва бу ечимлар орасидан энг яхшисини танлаб олиш таклиф этилади. Аввал ҳар бир ўқувчи вазият билан индивидуал равишда танишади ва гурухга ечимнинг ўз вариантини тақдим этади. Шундан сўнг гуруҳ иштирокчилари барча таклиф этилган варианtlарни муҳокама қиласидилар, энг мақбул ечимни танлаб оладилар ёки шакллантирадилар, тақдимотга тайёрланадилар. Кейслар таълимнинг турли соҳаларида: бизнес, бошқарув, тиббиёт, архитектура, қурилиш, ҳамда ностандарт муаммолар мажмуаси ечимини қабул қилиш малакасини талаб этадиган барча фанларда қўлланилиши мумкин. “Case study” ёрдамида ўқитишда муаммолар аниқланади, ечимлар топилади, тавсиялар ишлаб чиқилади. Одатда кейслар ягона тўғри ечимга эга бўлмайди. Ўқитувчи нуқтаи назарлар фарқланишини рағбатлантириши ва мунозаранинг ташаббускори бўлиб чиқиши керак. Ушбу услубдан фойдаланишда ортиқча баҳс-мунозаралардан қочиш, фақат айrim ўқувчиларгина устунлик қилишларига йўл қўймаслик лозим.

**Қўлланилиши:** Ҳар қандай ўқув фанида, агар кузатув услуби қўлланилаётган бўлса қўллаш мумкин.

**Афзаликлари:** Ушбу услуб учун ўқувчиларнинг фаоллашуви, уларнинг муваффақиятларини рағбатлантириш, ютуқларини эътироф этиш хосдир.

Айнан муваффақиятни ҳис этиш туйғуси мазкур услубнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, билим ортиришдаги фаолликни оширишга бўлган барқарор ижобий сабаб шаклланнишига ёрдам беради, таҳлил қилиш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради. Қарорларни қабул қилиш кўникмаларини шакллантиради.

Шу билан бирга түғри тузилган ва ўқув фанига киритилган Case study, фанни ўзлаштиришда кўзланган натижаларга эришишга имконият беради.

Педагог муаммоли вазият яратади, ўқувчини уни ечишга йўналтиради, ечимни излашни ташкил этади. Муаммоли ўқитишни бошқариш педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади. Муаммоли ўқитиш, ижодий жараёндан ностандарт илмий-ўқув масалаларни турли усул билан ечишни тақозо этади. Таҳсил оловчиларга машқ учун бериладиган масалалар, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва малакалар ҳосил қилиш учун хизмат қилса, муаммоли масалалар эса фақат янги ечимлар излашга қаратилади. Муаммоли вазиятлар киритилиб, анъанавий, баён этиш ўқув материалининг энг оптималь таркиби ҳисобланади.

**“Танқидий тафаккур” методи** ўқувчи қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишига асосланган. Одатда, муҳим масалаларни ҳал этаётганда юзага келади. Масалан: мактабларга ягона мактаб формаси керакми? Бу нарса ўқитувчига ўқувчиларнинг тинглаш ва мулоқот қилиш кўнилмаларини, турли нуқтаи назардан тушуниш малакасини ривожлантириш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш, таҳлилий мушоҳада юритиш ва фикрлаш лаёқатини ошириш, уларнинг ўз фикрини шакллантириш маҳоратини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

1. Ўқувчиларга топшириқ ёки чалкаш масала қўйилади ва қуйидаги саволлар берилади: -Нима деб ўйлайсиз?

-Фикрингиз қанақа?

-Сизнингча қандай?



Бу каби саволлар ўқувчи ўз нуқтаи назарини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

2. Ўқувчига ўз нуқтаи назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилади.

3. Ўқувчи ўз фикрини асослайди, бунда унинг нуқтаи назарини аниқлаб олиш учун қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Нега бундай деб ўйлайсиз?

-Нималар асосида бундай хулосага келдингиз?

4. Ўқитувчи кўриб чиқилаётган масала юзасидан бошқа фикрда бўлган ўқувчиларга сўзлаш имкониятини беради, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Кимда бошқа фикр бор, нега?

-Ким айтилган фикрни маъқулламайди, нега?

5. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда ҳар хил нуқтаи назарларни муҳокама қилиш воситасида барча фикрларни таҳлил қилиб чиқади, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Нега бошқа ўқувчининг нуқтаи назарини маъқулламайсиз?

-Ўз нуқтаи назарингизни тасдиқловчи асослар келтира оласизми?

6. Муаммони топшириқ, масала, чалкаш масала бўйича қабул қилинган қарорга ўқувчилар томонидан ўз нуқтаи назарларини қабул қилиши ёки қайта баҳоланиши билан эришилади, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Сизнингча, кимнинг нуқтаи назари энг мақбул?

-Юзага келган вазиятдан қайси йўл билан чиқиш маъқулроқ?

**“Муаммоли вазият” методини** намунавий тушунтирадиган бўлсак,

Адабиёт фанидан Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асарини ўтишда муаммоли вазият методидан қуйидагича фойдаланиш мумкин. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги катта йўқотиш деб таърифланаётган бутун дунёни ларзага солаётган COVID-19 тарқалиши катта мусибат бўлди. Муаммоли вазият: “Икки эшик ораси” романида уруш ва унинг фожиалари, уруш одамларининг қисматига таъсирини, бугунги фожиа билан қандай ўхшаш ва фарқли томонлари бор. “Бугун нима содир бўлди” мавзусида тергов журналистлари сифатида ҳаракат қилишади, улар бу

эпидемиянинг вақти ва жойи қандай шаклланишини тушунадилар. Улар ўз мавзуларини намойиш этиш ва жамоатчиликни мулоқотга жалб қилиш муаммоли вазиятга ечим топишга уринишади. Ва ўzlари бу мусибатни кўзлари билан кўриб турган бўлса, асар воқеаларида ҳам иштирок этадилар, уларга таъсир қиладиган муаммолар ҳақида маълумот ишлаб чиқарадиган тадқиқотчиларга айланадилар. Тадқиқот ўтказган, таҳлил қилган, қиёслаган муаммосининг ечимини тақдимот қиладилар. Ўқувчилар асарни ўқиб бугунги ҳаёт билан қиёслар экан, Муаммонинг туб моҳиятини тушуниш билан бирга уруш воқеаларини, қаҳрамонлардаги Ватанга содиқлик туйғуларини изоҳлаб беришлари асосида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга эришилади.



**“Фокусли объектлар” методи.** Бунда асл объектга бошқа тасодифий объектларнинг хусусиятлари ва бу хусусиятларини бириктириш орқали янги фазилатлар ёки ғояларни қидириш методидир. Мақсад - кутилмаган хусусиятларга эга янги модификацияларни олиш орқали объектни яхшилаш, моҳиятни яхши тушунишдир.

Ҳаракат режаси қуйидаги тартибда ўтказилади:

- объектларни танланг;
- биз ҳар бир объект учун характерли хусусиятларни ёзамиз;
- биз олинган белгиларни протопозитга (фокусли объект) ўтказамиз ва янги иборалар, характеристикаларни таҳлил қилиб оламиз;
- биз янги ғояларни ўрнатамиз.

Масалан. 10-синф Адабиёт дарсининг “Қаролар фалсафаси” мавзуси бўйича композицион топшириқ: Объект: қаро. Қўшимча сўзлар: фасоҳат, разамат, юз, соч. Биз ҳар бир сўзни "қора" сўзи билан бирлаштирамиз.

Бизда янги сўзлар пайдо бўлади: қаро фасоҳат, қора разамат, қора юз, қора соч. Ўқувчилар фасоҳатнинг маъноси сўзнинг очик, аниқ, равон бўлиши топган ҳолда қора фасоҳатни аниқлаштириш керак бўлади ёки қаро юз каби сўзлар таҳлили қилинади.

## МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ

## МЕТОДИКАСИ

Бугунги кунда масофавий таълим (лотинча “distantia” – масофдан фойдаланишга эҳтиёж) ошмоқда. Масофавий ўқитиш ўқувчи қаерда ва қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар муайян таълим муассасаси таълим дастурини ўрганиш имкониятини яратади. Бу мақсадни амалга оширишда замонавий ахборот технологиялари: дарсликлар ва бошқа босма нашрлар, ўрганилаётган материални компьютер телекоммуникациялари орқали узатиш, видеотасмалар, мунозаралар ва семинарлар ўтказиш, регионал ва миллий телевидение ҳамда радио орқали ўқув дастурларини намойиш этиш, кабелли телевидение ва овозли почта, икки томонламали видеоконференциялар, телефон орқали қайта алоқа билан бир томонлама видеотрансляция ва бошқаларнинг хизматига таянилади. Масофали таълим ўқитувчиларга вақтини тежашда қулайлик яратади, асосий фаолиятидан ажралмаган, жумладан узоқ районларда яшовчиларга ўқиш имконини яратади.

Масофавий таълим – интернет технологияга асосланган. Масофавий таълим - бу ўқитиш якка тартибдаги, анъанавий таълим шароитида иштирок этмаган яъни синф хонасида шахсан бўлмаган ўқувчиларга қаратилган. Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия премьер-министри Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган. Масофавий ўқитиш эса дастлаб XIX асрда почта алоқаси хизматларининг ривожланишига асосланган ва Исаак Питман 1840-йилдан буён Буюк Британияда стенография ёзишмаларини ўқитгандан бери амалда бўлган.

Масофавий таълим (МТ) - бу ўқитувчи ва ўқувчи бир бири билан масофа ёки вақт орқали ажратилганлиги сабабли, информацион технологиялардан фойдаланилган таълим туридир.

Масофавий таълим турини бир неча моделлари мавжуд, улар масофавий таълим ташкил қилинишига сабаб бўлган қуйидаги вазиятлари билан фарқланади: географик сабаблар (мамлакат майдони, марказлардан географик узоқлашган регионлар мавжудлиги), мамлакатни компьютерлаштириш ва информациялаштириш даражаси, транспорт ва

коммуникациялар ривожланиш даражаси, масофавий таълим учун мутахассислар мавжудлиги, таълим соҳасида информацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражаси каби.

Масофавий таълим бўйича Франция ва Буюк Британия тажрибасини мисол қилиш мумкин. Буюк Британиянинг Очик университетидаги (<http://www.ou.uk>) таълимни олиш мумкин. “ASTIONS” деб номланадиган масофавий таълим соҳасида қарорлар қабул қилишда, хусусан МТ технологиясини танлашда фойдаланилади. Бу таълимга Англия ва Австралия университетидаги(<http://www.une.edu.au>) таълимни мисол қилиш мумкин.

Боғланиш алоқаси бўйича ҳам ўзига хос моделларда кўриш мумкин.

Аралашган модел. Ушбу модел масофавий ва кундузги таълим турларини интеграциялаштириш учун яратилган. Бу таълим турига виртуал семинар, презентациялар ва маъruzалар ўтказиш ҳам киради.

Масофавий таълимга Янги Зеландиядаги Массей университетининг (<http://www.massey.ac.nz>) таълим шаклини, Канададаги очик ўқув Агентлигидаги таълимни олиш мумкин.

**Бирламчи модел.** Ушбу модел фақат масофавий ўқувчилар билан ишлаш учун яратилади. Уларнинг ҳар биттаси виртуал ўқитувчига бириклирлган бўлишади. Консультациялар ва якуний назоратларни топшириш учун эса регионал бўлимлар бўлиши шарт. Шундай ўқув курсларда ўқитувчи ва ўқувчиларга ўқув шаклини ва формасини танлашда катта имкониятлар берилади.

Бу моделга мисол қилиб Буюк Британиянинг Очик Университетидаги таълимни олиш мумкин.

**Иккиламчи модел.** Ушбу модел масофавий ва кундузги таълим ўқувчилар билан ишлаш учун яратилади. Иккала групда бир хил ўқув дастури ва дарслар жадвали, имтиҳонлар ва уларни баҳолаш мезонлари мавжуд. Шундай ўқув муассасаларда кундузги курсларнинг сони масофавийларга қараганда кўп. Ушбу масофавий курслар педагогика ва услубиётдаги янги йўналишларни изланишларида қўлланилади.

Бу моделга мисол қилиб Австралия университетидаги таълимни олиш мумкин.

**Konsortsium.** Ушбу модел иккита университетларни бир- бири билан бирлашишини талаб қилади. Ушбу муассасалардан бири ўқув курсларни ташкил қилиб ишини таъминласа, иккинчиси эса уларни тасдиқлаб, курсларга ўқувчиларни таъминлайди. Шу билан бирга бу жараёнда бутун университет эмас, балки битта кафедра ёки маркази ёки университет ўрнида таълим соҳасида ишлайдиган корхоналар ҳам қатнашиши мумкин. Ушбу моделда ўқув курсларни доимий равишда назорат қилиш ва муаллиф хуқуқларини текшириш зарур бўлади. Бу моделга Канададаги Очик Ўқув Агентлиги таълими киради.

**Franchayzing.** Ушбу моделда иккита университет ўзлари яратган ўқув курслари бўйича бир-бири билан ўзаро тажриба алмашишади. Масофавий таълим соҳасида етакчи бўлган ўқув муассаса бу соҳада илк қадам қўядиган муассасага ўзининг ўқув курсларни тақдим қилади. Ушбу моделда иккала муассаса ўқувчилари бир хил таълим ва дипломлар олишади. Бу моделга мисол қилиб “Очик университет” бизнес мактаби ва Шарқий Европа университетлари билан бўлган ҳамкорлиги бўлиши мумкин.

Бугунги кунда масофавий таълимнинг технологик платформалари асосан “TV-технология”, “Кейс технология”, “Тармоқ технология” кўринишида амалга оширилмоқда. Телекоммуникацион (TV) технология. TV-технологияда ўқувчиларга ўқув-услубий материалларни етказиш ва доимий ўқитувчи-тютор маслаҳатини ташкиллаштириш мақсадида телевидение тизимидан фойдаланилади.

Ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларини қўллаш, ўқитишга замонавий ёндашувлар асосида шиддат билан ўзгариб бораётган жамият талабларига мос равишда таълим сифатини ошириш талаб этилмоқда.

Педагогик технология тушунчасига берилган ЮНЕСКО таърифиға кўра масофавий ўқитишга қўйидаги таърифни шакллантириш мумкин: масофавий ўқитиш технологияси – бу инсон ва техник ресурсларини,

уларнинг ўзаро алоқасини, ҳисобга олган ҳолда, таълим хизматининг бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва оммабоплаштириш тизимли ёндашуви бўлиб, билвосита индивидуаллашган таълим тизимида ўқитиш шаклларини мақбуллаштиришни ўзига вазифа қилиб қўяди. Масофавий ўқитиш технологияси қуидагиларни ўз ичига олади: · таълим ахборотларини тақдим этиш технологияси; · таълим ахборотларини узатиш технологияси; · таълим ахборотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Таълим ахбороти: муайян фаолият тури, ихтисосини амалга оширишда қўллаши учун, ўқувчига бериш керак бўлган билимлардир.

Интернетдан фойдаланишининг янги босқичи бошланди, яъни Интернет турли соҳаларга тадбиқ қилинди. Интернет технологиялар: масофадан ўқитиш, электрон кутубхоналар, телемедитсина, телеметрология, электрон тадбиркорлик, электрон магазинлар ва бошқалар. Шунингдек, масофавий ўқитиш тизимида янги электрон китобларга алоҳида талаблар қўйилади. XXI асрда мактаб таълими мақсадлари ўзгариб, ўқувчиларда саводхонлик, компетенциялар ва шахсий сифатлар/фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш устуворлик касб этмоқда.

Масофадан ўқитишни ташкил этишни ҳозирги замон моделларининг асосида коммуникация ва тармоқ технологиялари ётади. Масофавий таълим технологиялари ўзига хос афзалликларга эга. МЎ асосида таълим бериш учун ўқиш истагида бўлган аҳолининг муайян қисмини таълим муассасаси жойлашган ерга йиғиш шарт эмас. Иккинчидан, тингловчи ёки ўқувчи томонидан ортиқча сарф - харажат қилиш зарурати бўлмайди. Учинчидан, бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин.

**Ўқувчига қулай шароит ва муҳитда таълим олиш, мустақил дарс қилиш вақти ва йўналишини танлаш (видеодарсларни такрор кўриш мумкин) имконини беради.**

Масалан, у кун бўйи турли фанларни ёки биттасини, масалан, кимёни ўрганиши, дарсликдаги маълумотларни ўқиши, бирор мавзу бўйича видео тақдимотларни томоша қилиши, топшириқларни

бажариши, ҳатто кичик тажриба ёки тажрибалар ўтказиши, тажриба орқали ўқиган билимларини ўрганиши (уй-рўзгорда кимёвий жараёнларни кузатиши) билан шуғулланиши мумкин.

**Дарс қилишда ота-она/ оила аъзолари кўмагидан фойдаланиш, ўзини эркин** (нотўғри жавоб бериб ёки вазифани нотўғри бажариб қўйиш хавотири бўлмайди) **ҳис қилиши мумкин.**

Мактабда бола ўз фаолиятини баҳолашига ўрганган, яъни у ҳар доим унинг натижаларини баҳолашини кутади (ўқитувчидан мақтov, тенгдошларнинг олқиши каби). Бундай фикрлаш тарзини шакллантириш жараёнида бола ўз муваффақиятсизликларини мағлубият деб билади, агар вазифани бажара олмаса ёки дарс мавзусини яхши тушунмаса, саводсиз кўринишдан қўрқади. Натижада, бола ўқишига қизиқмай қўяди, у ўқишини фақат яхши баҳо олиш, ўқитувчи ва ота-онаси талабига жавоб бериш деб қабул қиласди.

**Турли таълим ресурсларидан Online ва мустақил фойдаланишда ўзи учун зарур суръатни танлайди ёки ота-онаси боланинг шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.**

Масалан, ўқув материалини ўзлаштириш учун кўп вақт талаб қиласди ган секин ҳаракатланадиган болалар мактабда умуман ҳеч нарса қила олмасликлари мумкин, аммо масофавий таълим мактабида улар тўлиқ намоён бўлади. Ахир, бу ерда ҳеч ким уларни баҳоламайди, дарснинг тез тугашидан қўрқиб, дарсликдан ёки партадошидан кўчиришга ҳожат қолмайди.

**Ўрта таълим бўйича ўқув дастури барча мактаблар учун бир хил бўлишига қарамай, масофавий ўқитиш анча кам вақт талаб этади.**

Мактабда дарс белгиланган вақт давом этади (сиз билганингиздек, 45 дақиқа), агар ўқувчи дарсни ўрганган бўлса ва топшириқни белгиланган муддатдан олдин бажарган бўлса ҳам, у қўнғироқни кутишига мажбур бўлади. Шунингдек, агар биз мактабга бориш ва аксинча (айниқса мактаб узоқда бўлса) мактабдан қайтиш учун кетадиган вақтни уйда бошқа машғулотларга сарфлаш мумкин.

Ўқувчи мустақил таълим олишда ўзини ўзи бошқариш ва ўзини тарбиялаш кўникмалари ривожланади, бундай муваффақият нафақат мактаб даврида, балки кейинги касбий фаолиятида ва ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилади.

*Ўзини тартибга солиш қобилияти нафақат ўқиш ва ишлашда, балки келажакда оиласда, болаларни тарбиялашда, севимли машғулотларида, дўстлар ва танишлар билан мулоқотда ҳам зарурдир.*

Масофавий таълим жараёни иштирокчиларининг АҚТдан фойдаланиш кўникмалари ривожланади, ахборот макони, ижтимоий тармоқларда ишлаш маданияти ошади.

**Масофавий мустақил таълим мактаб таълимига мутлоқ муқобил эмас, балки тўлдирувчи сифатида самарали бўла олади ва айрим камчиликлардан ҳоли эмас.**

**Жумладан**, ота-она томонидан берилган кўмак ўқитувчи кўмагидек профессионал бўлмаслиги мумкин (аммо, масофавий таълимда шахсий омил муҳим эмас, ўқитувчи билан интернетда алоқа ўрнатиши мумкин).

Ўқувчининг тенгдошлари билан жонли мулоқотда бўлиши, яъни ижтимоийлашув имкониятлари чекланиб қолади.

*Мактаб ўқувчилари учун масофадан ўқитишнинг асосий камчилиги, шубҳасиз, жамиятнинг аъзоси сифатида боланинг шахсияти шаклланадиган ижтимоий муҳитнинг йўқлиги. Шу сабабли, келажакда, жамоада ишлашда қийинчиликлар бўлиши, рақобат муҳитида ҳаракат қилиш ва мавжуд шароитларга мослашиш қобилияти етишмаслиги мумкин.*

Шунингдек, масофавий таълимда ота-она боланинг ижобий ва салбий ҳиссиётлари, ўрганишни истамаслиги, диққатни жамлай олмаслик, мавзуни тушунмаслик, ёмон кайфият, психологик манипуляциялар, масалан "кўзларим компьютердан оғрияпти", "мен тоза ҳаводан нафас олмоқчиман", "сиз қандай қилиб тушунтиришни билмаяпсиз", "Мен чарчадим ва ухлашни хоҳлайман" каби ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Ота-оналарнинг ўзлари ҳам турли эмоционал ҳолатларни бошидан кечиради. Фарзандларининг таълим-тарбиявий эҳтиёжлари, ютуқлари, кучли ва заиф томонлари ҳақида билиб олади.

Улар айрим пайтларда кучсизликдан умидсизликка тушиш ва муваффақиятдан хурсанд бўлиш, зарур бўлса тасалли бериш, ҳаётий тажрибаси асосида дарс бериш, тушунтириш, бардошли бўлиш, қойил қолиш каби психологияк ҳолатларни бошидан кечиради. Буларсиз, афсуски, болани ўқитиш техник ҳаракат бўлиб қолади, яъни тарбиявий аҳамияти йўқолади.

Масофавий таълим жараёнида ота-оналар назорати оқилона бўлиши, болани мажбурламаслик ва унга босим ўтказмаслик керак (оддий дангасалик ва итоатсизлик бундан мустасно). Унинг феълатвори, хусусиятларини ҳисобга олиш (яъни психолог бўлиши керак), мустақил ишлашга одатлантириш, у учун вазифаларни бажармаслик, аксинча, унга ўз кашфиётларини қилиш ва ундан завқланиш имкониятини берадиган энг зарур нарсаларга ёрдам бериш лозим.



Мактаб ўқувчилари учун масофадан ўқитиш методларининг ўзига хослиги, инновационлиги ва долзарблигини таъкидлайдиган бир қатор жиҳатлар мавжуд, айниқса карантин даврида:

ўқув жараёнининг ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита ўзаро мулоқотини талаб қилмайди;

асосан ахборот алмашинувининг электрон воситалари (видеодарслар, электрон ресурслар, ўқув фильмлари, виртуал лабораториялар ва б.) қўлланилади;

Ҳозирда, масофадан ўқитиш зарур чора сифатида қабул қилинди, аммо келажақда у турли ёшдаги ўқувчилар учун қулай, ривожлантирувчи ва мустақил масофавий таълим олишнинг қўшимча шакли бўлиб қолиши шубҳасиз.

Хулоса қилинганда, масофавий таълим қуйидаги ҳолларда самарали натижа беради:

ногирон болалар учун;  
айрим илғор мактабларда таълим олишни истаганлар, аммо худуднинг узоқлиги сабабли юқори малакали педагогик ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар;  
кўшимча таълим олиш;  
таълим фаолиятининг индивидуал суръатларига мос равишда иқтидорли болалар билан ишлаш;  
касаллик ва сабаблар туфайли вақтинча уйда таълим олиш эҳтиёжи мавжуд болалар учун.

Ўз ўрнида, масофавий таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ўқитувчи ва таълим мутахассисларига ҳам бир қатор замонавий талабларни қўяди:

ўз устида мустақил ишлаш орқали компетентликни оширишнинг эскича ёндашувидан янги, инновацион ечимларига ўтиш;

ўқитувчи ўзининг электрон кутубхонасини шакллантириши, яъни рақамли ахборот таълим ресурсларини тўплаш, сақлаш, янгилаш ва ўқувчиларига етказишга ўрганиш;

компьютер техникаси, маҳаллий тармоқ ва интернетга уланиш ва ишлаш имкониятларини яратиш;

дидактик, методик ва электрон таълим ресурслардан (расмий таълим порталлари ва вебсайтлар) самарали фойдаланиш;

ота оналар. ҳамкорлар ва ҳамкаслар билан электрон тармоқдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур.

Шунингдек, айни пайтда, ўқитувчиларнинг АҚТ соҳасидаги билим ва компетенцияларини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, уларда медиасаводхонлик ва медиамаданиятни ошириш зарурати ошмоқда.

Ўқув-тарбия жараёнини ўқув-методик таъминлаш (виртуал лаборатория ишлари, таълим дастурлари, ўқув-услубий материаллар ва ҳ.к.). Масофавий таълимнинг технологиялари ва унда қатнашувчилари. Масофавий таълимнинг асосий технологияларига қўйидагиларни киритиш



мумкин:

## **ИНТЕРАКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР:**

Интернет масофавий таълим портали.

Видео ва аудио конференциялар.

Электрон почта орқали таълим.

Интернет орқали мустақил таълим олиш.

Узоқдан бошқарувчи системалар.

Онлайн симулятор ва ўқув дастурлар.

Тест топшириш STEMлари.

Кейс-технологиялари. Кейс технологиялари матн, аудио кўринишли ва мултимедиа ўқув–услубий материаллар тўплами (кейслар)дан



фойдаланиш ва ўқувчиларга мустақил ўрганишлари учун ўқитувчи-тютор томонидан доимий маслаҳатларни беришга асосланган.

### **“Видео топишмоқ” методи.** Сўнгги

йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалари ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Видеотопишмоқ видеоконференция каби шахслар бир-бирларини реал вақтда кўради ва эшитади, маълумотлар билан алмашинади. Ўқитувчилар алоҳида таълим жараёнида турли ахборот воситаларида ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди. Видеот опишмоқ методида фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- ўқувчилар эътиборига ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеолавҳа намойиш этилади.
- ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайдилар
- жараёнларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этадилар;
- ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, масофавий таълим мұхити замонавий ахборот, телекоммуникация ва вебтехнологиялар имкониятларига күра ранг-баранглиги, контентнинг барча ёшдаги истеъмолчиларга мослаштирилғанлиги билан үзига жалб этади. Натижада, үқувчиларга карантин шароитида мустақил таълим олишга құмаклашиш, электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларга янгиликтарни тезкор равища етказиш имконини бериши жараён иштирокчиларида қизиқиши күчайтиради. Фойдаланишнинг осон ва оддийлиги, ёшидан қатий назар барча үқувчилар ва ота-оналарга масофадан туриб ёрдам бериш имконини таъминлайди

### **Синхрон ва асинхрон үқитиш методи**

Тармоқ технологиялари, телекоммуникация тармоқларидан үқитувчи ва үқувчи билан үзаро боғлиқлиқдаги ҳар хил интерактив даражали ва үқувчиларни үқув-услубий материаллар билан таъминлаш учун қўлланилади. Тармоқ технологиялари асинхрон ва синхрон турларга бўлинади. Асинхрон тармоқ технологиялари. Ҳозирги кунда таълим тизимимизда кўпроқ асинхрон технологияларнинг икки грухидан фойдаланилмоқда: - Сомпьютер-Басед траининг (SVT) – турли даражали 68 интерактивликдаги компьютер ўргатувчи дастурлар воситасидаги мустақил таълим. - Web-Басед траининг (WBT)- турли даражали интерактивликдаги компьютер ўргатувчи дастурлар асосидаги мустақил ва жамоавий таълим. Синхрон тармоқ технологиялари. Замонавий масофавий таълим технологияси бўлиб, бунда таълим иштирокчилари үқув жараёнида бир-биридан узоқ ҳудудда жойлашган бўлади. Синхрон технологиялар видеоконференция воситалари ва биргаликда ишлаш қўшимча жиҳозларидан фойдаланган ҳолда виртуал синфлар яратишга асосланган. Синхрон технологиялар бир вақтнинг үзида виртуал синфдаги барча үқувчиларнинг қатнашишларини талаб қиласди ва бир машғулот давомида үқитишининг турли моделларини бирга қўшиб олиб бориш имкониятини яратади.

## ИНТЕРАКТИВ ЎЙИНЛАР

Ўн хил турли-туман предметни бир томондан қараб ўргатгандан қўра, биргина предметга ўн томондан қараб ўргатишнинг фойдаси кўпроқ.



А. Дистерверг

Абу Райхон Беруний фикрича, инсон яратадиган ҳар бир нарса унинг руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлиши керак: — Ҳадеб бир нарсани ўқитиш ва ўргатиш зерикарли бўлади, тоқатни тоқ қилади. Агар шогирд бир масаладан бошқа масалага ўтиб турса, у худди турли – туман боғ – роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар – ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. —Ҳар бир нарса роҳат бағишлайдил - дея эътироф этади.



## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Жисмоний тарбияда ҳаракатларга ўргатиш тарбиячининг бевосита раҳбарлиги остида ҳамда унинг кузатуви остидаги болаларнинг мустақил фаолиятида амалга оширилади. Ҳаракат фаолиятига ўргатишда боланинг англаш, иродавий ва ҳиссий кучлари ривожланади ҳамда унинг амалий ҳаракат кўниқмалари шаклланади. Ҳаракатларга ўргатиш бола ички дунёси ҳистуйғуси, тафаккури, аста-секин шаклланадиган дунёқараши, ахлоқий фазилатларига болалар томонидан бажариладиган, саломатлик ва умумжисмоний ривожла ниш учун фойдали бўлган ҳаракат фаолиятига мақсадга йўналган ҳолда таъсир этади.

Таълим мазмунини жисмоний машқлар, жумладан, дастурга мувофиқ танланган ҳаракатли ўйинлар ташкил этади. Таълим жараёнида катталар болаларга мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг ижтимоий тажрибасини беради. Унинг мазмунига ривожланиш ва такомиллашишга хизмат қилувчи

ҳаракатларни эгаллаш тажрибаси ҳам киради.

Болалар билан ишлашда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда зарур, боланинг онгли ҳаракат фаолиятида асқотадиган айрим билимлар, болани ҳаракатларга ўргатувчи фаолияти усуллари, фаолият ва уларни амалга оширишнинг малака ва кўникмалари ҳақидаги билимлар бирлиги ташкил этади. Ҳаракат фаолиятини тарбиялаш жараёнида катталар (ота-оналар, тарбиячилар) болалар ривожланишининг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар олдига янги ҳаракат вазифаларини қўядилар. Янги нарсани ўзлаштириш боладан муайян жисмоний ва психик кучни, қийинчиликларни енгиб ўтишни талаб этади. Боланинг машқлар жараёнида янги ҳаракат вазифаларини тобора ҳал этиб, бориши ва шу билан боғлиқ равишда вужудга келадиган катта имкони-ятлар ҳаракатлар характеристери ва сифатини ўзгартиради.

Қийинчиликларни енгиш ва янги вазифаларни ҳал этиш болада ижобий ҳиссий кайфият ҳосил қиласди. Бу мураккаб жараён доимо тарбиячи назорати остида бўлиши керак. Бир томондан, боланинг янги ҳаракат вазифасини тушуниб олишини таъминлаш лозим, иккинчи томондан, болада мустақиллик, қизиқиш ва ғайратни уйғотиш зарур. Таълим боладан диққатни бир жойга тўплашни, тасаввур, фаол фикрлашни, хотирани ривожлантиришни талаб қиласди. Таълим жараёни эмоционал, ҳаракат намунаси тарбиячи томонидан кўрсатилса ва болалар томонидан бажарилса образли, шунингдек, оғзаки-мантиқий, машқлар болаларнинг ўзлари томонидан амалда бажариш билан боғлиқ бўлса мотор ҳаракатли хотира ривожланади.

Таълим жараёни эркин бўлиши керак. Болаларга таълим бериш, ахлоқий тарбия, боланинг маънавий туйғуси ва онгини шакллантириш ўзаро ёрдам, мақсадга интилиш, ҳалоллик, адолатлилик каби ахлоқий-иродавий сифатларни ривожлантириш билан боғлиқдир.

Болалар аста-секин эгаллаб борадиган чиройли ҳаракатлар, аниқ сафланиш, уларнинг ёшига хос ўйин образларининг ижодий ифодалилиги, ўйинларда шеърий матнлар, ўйин бошланмалари, санашмачоқлар

буларнинг ҳаммаси болаларда эстетик дидни тарбиялаш вазифасига хизмат қиласди. Таълим жараёнини ташкил этиш болаларни улар кучи етадиган меҳнат ҳаракатларида машқ қилдириш имконини беради. Ўқитувчи болалардан жисмоний тарбия ашёларини тартибли ва тоза сақлашларини (ихчам ўралган байроқчалар, дазмолланган лента, рўмолчалар,...) мунтазам талаб қилиб туради. Болалар шарлар, тўпларни вақти-вақти билан ювиб, йирик ашёларни артиб турадилар. Шундай қилиб, ҳаракатларга ўргатиш жара-ёнида болаларда ақлий қобилият, ахлоқий ва эстетик туйғулар ривожланади, ўз фаолиятига онгли муносабат ва шу билан боғлиқ равишда мақсадга интилиш, уюшқоқлик шаклланади. Жисмоний тарбия тизимида ҳар томонлама таълим ва тарбия бериш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Шахсни ҳар томонлама комил инсон қилиб ривожлантириш тамойили болаларда жисмоний қобилиятни, ҳаракат малакалари ва қўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган, бола шахсини тарбиялашни биргаликда ва ҳар томонлама тарбиялашни амалга оширишга мужассам ҳолда ёндашишни кўзда тутади. Жисмоний тарбия тизимидаги бундай ёндашув кишиларнинг ўзига хос хусусиятлари, ёш ривожланиш босқичлари хусусиятлари, ҳаётнинг у ёки бу даврида асосий фаолият сифатида танланадиган жисмоний тарбия фаолияти турлари хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ҳаёт билан боғлиқлиги тамойилида болаларни тегишли дастур асосида жисмоний ва спорт машқларига, ўйинларга ўргатиб, улардаги бу қизиқиш қўллаб-қувватлаб турилади. Таълимнинг мақсади болаларда келажакда жисмоний тарбиядан меъёрий кўрсаткичлар мажмуаси талабларини муваффақиятли ўзлаштириш учун жисмоний тайёргарлик ҳосил қилишдан иборатdir. Шу асосда болаларда Ўзбекистоннинг машҳур спортчилари, уларнинг ватанпарварлиги, ишчанлиги, жасурлиги, бардошлилиги, маҳорати, дўст-биродарлиги ва ўзаро ёрдам каби хислатларига ҳурмат ҳисси тарбияланади. Соғломлаштиришга йўналган тамойилнинг моҳияти болалар соғлигини

мустаҳкамлаш вазифаларини бажаришда намоён бўлади. Шунинг учун жисмоний машқларни танлашда бола организмини ҳар томонлама соғломлаштиришга интилиш, унинг жисмоний сифатларини ҳиссий-ижобий ҳолат, ҳаётдаги хушчақчақ кайфият билан яхлитликда ривожлантириш ҳам кўзда тутилади. Жисмоний тарбия машғулотларини режалаштиришда саломатликни мустаҳкамлаш қонуниятлари ҳисобга олинган жисмоний юклама албатта идора қилинади. Бу иш тарбиячи, врач ва мудиранинг мунтазам шифокор педагоглик назорати остида амалга оширилади.

Болаларга жисмоний таълим ва тарбия бериш жараёнида қуйидаги дидактик таълимий тамойиллар қўлланилади: тизимлилик ва изчиллик, онглилик, мустақиллик ва ижодий фаоллик, таълимнинг кўргазмали оғзаки ва амалий усулларини бирга қўшиб олиб бориш; тушунарлилик ва индивидуаллаштириш; таълимнинг фронтал, груп ва якка тарздаги шакл ларининг бирлиги, талабларни тобора ошириб бориш. Тизимлилик ва изчиллик тамойили жисмоний тарбия мақсадларида фойдаланиладиган тадбирларнинг (кун тартиби, чиниқиш, ҳаракат кўникмаларининг шаклланиши) тизимлилиги, бутун тарбия даври давомидаги жисмоний тарбия жараёнининг узлуксизлиги, мунтазамлиги, жалаштирилганлигидан, юклама ва дам олишнинг мажбурий алмашиниб туриши асосидаги жисмоний тарбия машғулотларининг аниқ изчиллигидан, машғулотларнинг изчиллиги, кетма-кетлиги, мазмунан ўзаро алоқадорлигидан иборатdir.

Ҳар куни муайян бир вақтда ўз характеристига кўра турли жисмоний машқлар (эрталабки гимнастика, жисмоний тарбия машғулотлари, сайр пайтидаги ҳаракат фаолияти ва шу кабилар)ни тизим тарзида мунтазам бажариш, чиниқтириш тадбирлари болаларни белгиланган соғломлаштириш-тарбиялаш тартибига ўргатади. Жисмоний тарбия ҳосил қилинаётган ҳаракат кўникмаларининг такрорланишини талаб этади. Фақат кўп марта такрорлангандагина ҳаракатлар шакланади. Онглилик, фаоллик ва мустақиллик тамойиллари боланинг ўз фаолиятига онгли ва фаол муносабатда бўлишга таянишини кўзда тутади, у ёки бу мақсадни амалга ошириш учун нимани қандай бажариш кераклигини аниқ тасаввур

қилиш лозим. Онглилик тамойилини илк бор П.Ф.Лесгафт ишлаб чиқкан эди. Боланинг мустақил фаол фаолияти берилган вазифага бўлган қизиқишига, уни онгли идрок этишига, вазифа мақсадини амалга ошириш йўлларини тушунишига боғлиқ бўлади.

**Таълимнинг кўргазмали, оғзаки ва амалий усуулларини биргалиқда қўшиб олиб бориш тамойили.** Билиш фаолияти – ҳиссий билиш жараёнларини амалиёт билан бирлигидир. Ҳаракатларга ўргатиш жараёнида билишнинг бу ажралмас қисмлари ўзаро алоқадорликда бўлади. Бироқ қўйилган вазифага қараб уларнинг изчиллиги ҳар хил бўлади: болаларни ҳаракатга ўргатиш кўрсатиб тушунтириш; тарбиячининг машқни оғзаки тушунтириши ва унинг болалар томонидан ҳаракатда бажарилиши билан бошланиши мумкин. Янги ҳаракатларни ўрганишда кўргазмалилик тамойили ҳаракатларнинг тарбиячи томонидан жуда аниқ қилиб кўрсатилиши орқали амалга оширилади. Кўргазмалилик онглилик билан чамбарчас боғлиқдир: оғзаки берилган топшириқ киши томонидан тушуниб олинади, ҳаракатни қайтадан бажариш билан амалда синалади. Бунда сезгилар, айниқса, ҳаракат сезгилари муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, кўргазмалилик билан образли сўзнинг ўзаро алоқадорлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Тушунарлилик ва болаларга якка ёндашиш тамойили боланинг ёш хусусиятлари имкониятларини ҳисобга олишни ҳамда шу билан боғлиқ равишда унинг кучига ярашга топшириклар белгилашни кўзда тутади. Тушунарлиликнинг асосий шартларидан бири изчиллик ва жисмоний машқларни тобора мураккаблаштириб бориш ҳисобланади. Бола имкониятлари муайян бирлиқдаги омил-лар билан белгиланади: жисмоний тайёрлан-ганлик меъёrlари бўйича синаш, шифокор текшируви, бевосита педагогик кузатиш. Якка ёндашув боланинг ўзига хос функционал имкониятларини ҳисобга олади-ган алоҳида таъсирларни кўзда тутади (ҳаракатларни ўзлаштириш турлича кечади, организм жисмоний юкламани турлича қабул қиласи, мослашиш динамикаси ҳам турлича бўлади). Якка ёндашувнинг мақсади туғма фазилатларни ривожлантириш, янги ижобий сифатларни, қобилиятларни

тарбиялаш, зарурат бўлганда асаб тизимининг типологик хусусиятларини мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартиришдан иборатdir. Таълимнинг фронтал, гуруҳ ва якка тартиbdаги усувларининг бирлиги тамойили. Бу тамойил таълимнинг турли усувлари қўлланилгандаги уюшқоқликни кўзда тутади: фронтал усул қўйилган вазифани бир вақтда, онгли ва аҳил равишда бажаришни талаб этади; гуруҳ усули масъул, мустақил ва ўзаро ёрдамни рағбатлантиришни талаб этади; якка ёндашув усули тарбиячининг баъзи болаларга ёрдам бериши ва анча тайёргарлиги бор бошқа болаларга нисбатан талабчанлик-ни оширишда ифодаланадиган раҳбарлигини тақозо қиласди. Бу усувлардан биргаликда фойдаланиш тарбиявий вазифаларни самара-ли бажаришга хизмат қиласди. Талабларни аста-секин ошириб бориш тамойили. Бу тамойилнинг шарти бола олдига бирмунча қийин вазифалар қўйиш ва уни бажартириш ҳамда юклама қўламини ва интенсивлигини аста-секин ошириб боришдан иборатdir. Машқларни янгилаш жараёнида ҳаракат малака ва кўникмаларининг ҳажми кенгаяди ва бойийди. Ҳаракат фаолияти шаклларини мураккаблаштириш билан бирга боланинг кучига яраша бериладиган жисмоний юклама аста-секин ошириб борилади. Бу жисмоний фазилатларнинг ривожланиш қонуниятлари боланинг кучи, чидамлилиги, тезкорлиги билан белгиланади. Кўриб ўтилган барча тамойиллар ўз мазмунига кўра ўзаро бир-бири билан чам-барчас боғлиқdir. Уларнинг барчаси ўзида ягона ва фақат шартли равишда алоҳида ҳолда қараладиган бир жараённинг муайян жиҳатларини ва қонуниятларини акс эттиради.

Таълим методлари ўқув предмети, аниқ дидактик вазифалар, воситалар ва таълим шартларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ

усуллар тизимининг турли бирикмаларидан иборатdir. Боланинг асаб тизими ва бутун организми ниҳоятда пластик ва ташки таъсирга берилувчан бўлади. Шунинг учун болалар билан машғулот олиб борганда психик ва жисмоний куч сарфланадиган тўғри вақт нисбати ва ундан сўнгги дам олишни белгилаш тарбиячининг муҳим вазифаларидан бири бўлиши

лозим.

## **ЎҚУВЧИЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШДА УЛАРНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР**

1. Кўргазмали метод.
2. Оғзаки метод.
3. Амалий метод.
4. Ўйин методи.
5. Мусобақа методи.

**Кузатув методи**-Кузатишлар натижалари кундалиқда, протоколда, матрицали ёзувда ёки журналда қайд этилади. Кузатиш вақти, жойи, иштирокчилар сони ва кузатиш сифати кузатиш маълумотлари қайдномасида қайд этилади.

Тадқиқот методи сифатида болалар ва ўқитувчилар шахсини ўрганишга имкон берувчи суҳбатдан фойдаланамиз. Суҳбат тадқиқот мақсадига асосланган бўлиши керак. бунинг учун суҳбатда саволларни тўғри ўйлаб, тўғри қўйиш муҳим аҳамиятга ега. Масалан, агар ўқитувчи боладан болалар зални куриниши қандай?, қандай қилиб айланиб ўтишларини сўраса, улар: зал "чиройли, силлиқ, тўғри" саф тортиб бир теккистда юриб ўтилади деб жавоб берадилар. Ҳаракатнинг сифат параметрларини таъкидлайдилар. Ёки шунга ўхшаш спорт майдони спорт анжомларига оид саволлар бериш орқали ўқувчиларнинг кузатувчанлигини, хотираси ва дикқатини аниқлашлари мумкин.

**Кўргазмали метод** - ҳиссий идрок ва ҳаракат сезгиларининг ёрқинлигини таъминлайди. Улар болаларда сенсор қобилияtlари ривожланишини фаоллаштирувчи ҳаракат ҳақида жуда тўлиқ ва аниқ тасаввурнинг ҳосил бўлиши учун зарурдир.

Кўргазмали ёки оғзаки методлардан сўнг дарҳол болалар амалий

ҳаракатларга, ҳаракатларни мустақил бажаришга ўтишлари лозим. Ҳар бир метод вазифаларни ҳал этишга ёрдам берадиган бир қанча усуллар мажмуасидан иборатdir.

*Кўргазмали методга оид усуллар.* Болаларни ҳаракатларга ўргатишда кўргазмалиликнинг турли усулларидан фойдаланилади. Яққол кўриш усуллари ҳаракат ёки айрим ҳаракат элементларининг тарбиячи томонидан тўғри ва аниқ намойиш этилишидан; теварак-атрофдаги ҳаёт кўринишларига тақлид қилишдан; масофани тўғри босиб ўтишда мўлжални олишдан фойдаланишдан;

кўргазмали қўлланмалар, телекўрсатувлар, суратлардан фойдаланишдан иборатdir. Тактил-мушак кўргазмалилиги болаларнинг ҳаракат фаолиятига жисмоний тарбияда фойдаланиладиган жиҳозларни киритиш билан таъминланади. Масалан, тиззани баланд кўтариб югуриш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида кетма-кет қўйилган ёй шаклидаги дарвозачалар қўлланилади. Югуриш пайтида оёқни бу тўсиқлар оша кўтариб ўтиш боланинг тиззани баланд кўтариш кўникмасини эгаллашига ёрдам беради. Яққол эшитиш усуллари ҳаракатларни овоз орқали бошқаришга асосланади. Чолғу мусиқаси ва ашула энг яхши эшитиш кўргазмаси ҳисобланади. Улар болаларда эстетик ҳис ва эмоционал кўтаринкиликни уйғотади, ҳаракат характерини белгилайди, унинг суръати ва ритмини бошқариади. Шунингдек, тарбиячилар ҳаракат суръати ва ритмини башқаришда чилдирма ва ёки ногорадан фойдаланадилар. Кўргазмалик усуллари боланинг ҳаракатларни тўғри идрок қилиши ва тасаввур этиши, ҳиссий онгининг кенгайишига, ҳаракатларни бажаришда ўз-ўзини назорат қилишнинг вужудга келишига, суръати ва ритмини эшитиш орқали бошқаришга, сенсор қобилиятининг ривожланишига хизмат қиласиди.

**Оғзаки метод** – бу, болалар онтига йўналтирилган, улар олдига қўйилган вазифаларни тушуниб олишга ва машқлар мазмуни, тузилишини ўзлаштириб олишда катта роль ўйнайдиган ҳаракатли машқларни онгли равишда бажарилиши, бу машқларни турли вазиятларда мустақил

қўллашга ёрдам беради.

**Оғзаки методга оид усуллар.** Ҳаракатларга ўргатишдаги оғзаки усуллар қуийдагиларда ифодаланади: - баён этиш ва тушунтириш;

- болаларга янги ҳаракатларни улардаги мавжуд ҳаётий тажриба тасаввурларига таянган ҳолда аниқ, қисқа, бир вақтда тушунтириш;

- **шарҳлаш усули** – ҳаракатларни аниқ кўрсатиш ёки унинг айрим элеменларини аниқлаш асосидаги шарҳлаш;

- **кўрсатма бериш усули** – тарбиячи томонидан кўрсатилган ҳаракатларни қайта бажаришда ёки машқларни болалар мустақил бажаришларида зарур бўладиган кўрсатмалар;

- **сұхбат усули** – янги жисмоний машқлар ва ҳаракатли ўйинларни жорий қилиш ҳамда ҳаракатларни ўргатишда уларни тушунтириш, ҳаракатли ўйин сюжетини аниқлаштириш талаб этилганда олдиндан ўтказиладиган сұхбатлар;

- **савол бериш усули** – тарбиячи томонидан жисмоний машқларнинг бажарилишидан олдин ҳаракатларни бажариш изчиллигини англаш даражасини аниқлаш ёки мазмунли ҳаракатли ўйинлар ҳақидаги тасаввурнинг бор йўқлигини текшириш, қоидаларни, ўйин ҳаракатларини аниқлаштириш мақсадида болаларга саволлар бериш;

- фармойиш ва сингаллар бериш усули. «Тўхтанг! Бир, икки, уч югуринглар», «Сакраб оёқларни елка кенглигига очиб туринг!» каби буйруқлар болаларнинг жавоб ҳаракат реакциясининг тезлиги ва аниқлигини вужудга келтирадиган турли интонация ва динамикани талаб қиласди. Булар қаторига баланд овозда дона-дона қилиб санаш ва ўйин бошланмаларини ифодали талаффуз этишни ҳам киритиш мумкин;

- **ифодали мазмунли ҳикоя усули.** Бу усул ҳаракатлардаги ифодалиликни ривожлантириш ва ўйин образига яхшироқ кириш мақсадида қўлланилади. Мазмунли ҳикоя эртакни қисқа ҳикоя қилишга ўхшайди, 1,5–2 минут давом этади. Бунда тарбиячи ўйин мазмуни ва қоидаларини қисқа образли ҳикояда очиб беради. Масалан: «Бор эканда йўқ экан, чиройли қайрилма шохли ва беозор кулранг оқ она эчки бор экан.

Унинг болачалари бор экан». Болаларни ўргатишда кўргазмали ва оғзаки усулларнинг мақсадга мувофиқ биргалиқда олиб борилиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳаракатларни идрок этиш ва қайта бажаришнинг аниқлигига ва образлилигини, болалар бажарадиган ҳаракатли топшириқлар, улар мазмуни ва ҳар бир ҳаракат фаолиятининг барча элементлари изчиллигини онгли тушунилишини таъминлайди.

**Амалий метод** болаларнинг амалий ҳаракат фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ҳаракатларни ўз мушак-мотор сезгиларида тўғри идрок этилишини амалда текширишни таъминлайди. Амалий методлар машқларни ўйин шаклида, мусобақа элеменларидан фойдаланган ҳолда ўтилиши билан тавсифланади. Амалий методнинг турларидан бири ўйин методидир.

*Амалий методга оид усуллар.* Болаларни ҳаракатга ўргатишда кўргазмали ва оғзаки усуллар билан ўзаро боғлиқ турли амалий усуллар мажмуасидан фойдаланади. Бунда ўқитувчи машқларни, ҳаракатли ўйинлардаги айрим ролларни, бошқарувчи ролини бажариб болаларга кўрсатади, болаларни топшириқларга жалб қилиб ва намуна кўрсатиб, уларни мусобақаларда қатнашишга рағбатлантиради. Масалан, ким ҳаракатли топшириқни тезроқ, яхшироқ, тўғрироқ бажаради, бунда болаларга ўзларини қандай тутишлари ва қандай ҳатти-ҳаракатлар қилишлари кўрсатилади. Ўқитувчи болаларнинг амалий фаолиятини ташкил этаётиб, бутун таълим жараёнини машғулотнинг вазифалари, мазмунига мувофиқ режалаб олади. Болаларга жисмоний ҳаракатларни ўргатишда ҳамма метод ва усуллардан ўзаро мужассам ҳолда фойдаланиш лозим. Жисмоний тарбия жараёнида болалар ҳаракат малакалари ва кўниқмаларини эгаллаб борадилар. Ҳаракат малакалари ҳаракат техникасини эгаллаш даражаси билан белгиланади. Ҳаракат малакаларининг икки тури фарқланади: улардан бирида яхлит ҳаракат фаолияти амалга оширилади, иккинчисида айрим, мураккаблигига кўра турлича ҳаракатлар бажарилади.

Биринчи турдаги малакалар ўйинлар, курашлар билан боғлиқ. Иккинчи турдаги ҳаракат малакалари ривожланиш билан боғлиқ бўлиб, унда

ҳаракат техникасини дастлабки эгаллаш дан янада юксакликка, уни такомиллаштиришгача борилади. Ҳаракат кўникмалари ҳаракат техникасини эгаллаш даражаси бўлиб, унда ҳаракатларни бошқариш автоматик тарзда кечади ва ҳаракатлар ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради.

Ҳаракат кўникмасини шакллантириш биринчи ва иккинчи сигнал тизимларининг ўзаро ҳаракатидаги динамик стереотипнинг юзага келиш жараёнидан иборатдир. Ҳаракат кўникмаларининг бола учун амалий аҳамияти жуда катта. Ҳосил қилинган кўникмалар жисмоний ва психик кучларни тежамкорлик билан сарф этиш, яхлит ҳаракат фаолиятига кирувчи ҳаракатларни тез ва аниқ бажариш имконини беради. Болаларда тўғри ҳаракат кўникмаларининг шаклланиши жараёнлари уларни келажақда камол топтириш учун замин ҳисобланади. Бу қонуний жараёнда З босқич фарқ қилинади:

– I босқич – дастлабки кўникма ҳосил бўлиши. У вақт жиҳатидан қисқа бўлади. Бунда болалар янги ҳаракатлар билан танишадилар.

– II босқич шартли рефлекснинг ихтисослашиш жараёни билан ажралиб туради, вақт жиҳатидан узоқ давом этади. Бу босқич давомида такрорий машқлар йўсунидаги кўникмалар ривожланади, ўрганилаётган ҳаракатнинг тўғри бажарилиши борган сари яхшиланади.

Ҳаракат кўникмаларининг бу босқичда ҳосил бўлиши тўлқинсимон кечади. Мазкур босқич иккинчи сигнал тизими ролининг ошиши билан тавсифланади, бунинг натижасида бола вазифалар ва ўз ҳаракатларини онгли тушунадиган бўладилар.

– III босқич – кўникманинг, динамик стереотипнинг мустаҳкамланишидир. Ушбу босқичга келиб, бола кўникмаларни эгаллаган бўлади. Бола ҳаракатни унинг асосий вазифасини тушунган ҳолда мустақил ва ишонч билан бажаради, ортирган кўникмаларини реал вазиятлар (ўйин ва ҳаётий вазиятлар)да ижодий қўллай олади. Бундан ташқари, кўникмалар ривожланишининг мазкур босқичида ҳаракат техникасининг турли варианtlарига мувофиқ қўшимча ҳаракат реакциялари ҳам ҳосил бўлади.

Болаларни жисмоний машқларга ўрга-тиш босқичлари. Ҳаракат малакалари ва кўникмаларининг шаклланиш қонуниятларини ҳисобга олиш болаларга ҳар бир босқичда алоҳида таълим беришнинг амалий вазифала-рини белгилайди:

- I босқич ҳаракатларни бошланғич тарзда ўрганиш билан;
- II босқич чуқурроқ ўрганиш билан;
- III босқич ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш билан тавсифланади.

Бошланғич тарзда ўрганиш. Бунда ҳаракат намунаси тўғри, жуда аниқ кўрсатилади. У ўқитувчи томонидан муайян суръатда, бошдан охиригача бажарилади, болаларни бу ҳаракатларга қизиқтиради ва уларда бу ҳаракатларни бажаришга интилиш уйғотади. Шунингдек, ўқитувчи ҳаракат фаолиятини ўта секин суръатда қисмларга бўлиб, ҳаракатни ташкил этган барча элементларни батафсил тушунтириб намойиш қиласди. Чуқурроқ ўрганиш. Ўқитувчи таълим жараёнида болалар эътиборини ҳаракатларнинг тўғри бажарилишига қаратади. Таълимнинг бу босқичида ҳаракатлар болаларга таниш бўлади, шунинг учун ўқитувчи усулларни танлаётганда ҳар бир ҳаракатнинг мураккаблик даражасини ҳисобга олади.

**Ўйин методи** – болалар билан ишлашда самарали бўлиб, кўргазмали-образли ва кўргазмали-амалий тафаккур элементларини ҳисобга олади. У турли ҳаракат кўникмалари, ҳаракатларнинг мустақиллиги, ўзгарувчан шароитга нисбатан тезкор жавоб реакциясининг бир вақтда такомиллашувига, ижодий фаол-лик кўрсатишга имкон беради.

**Мусобақа методи** - болаларга таълим беришда фақат педагогик раҳбарлик шароитида қўлланилиши мумкин. Бу методдан гурухларда фойдаланиш мумкин. Мусобақалар болалар кучига мос бўлиши, ахлоқий, иродавий фазилатларни тарбиялаш, шунингдек, ўз ютуқларини ва бошқа болаларнинг муваффақиятларини, талабларга онгли муносабатда бўлиш асосида, тўғри баҳолаш мусобақанинг мажбурий шартидир. Ташаббускорлик, қатъийлик, саботлилик, дадиллик, жасурлик,

олижаноблик, ўртоқлик каби иродавий ҳамда ахлоқий хислатларни тарбиялашда мусобақа методининг аҳамияти ғоят каттадир. Лекин, шуни унумаслик керакки, биринчилик учун рақобат қилиш, курашиш салбий хусусиятлар (худбинлик, ҳасад қилиш, қўполлик,)ларнинг таркиб топишига замин яратиши мумкин. Шу сабабли мусобақа методига моҳирона педагогик раҳбарлик қилинган тақдирдагина у маънавий тарбия соҳасидаги ўз ролини оқлай олади. Педагогик жараёнда таълим методларидан мужассам ҳолда фойдаланилади.

**Ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш методикаси.** Бу босқичдаги вазифа ҳаракат фаолияти техникаси бўйича орттирилган кўниkmани мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш, ҳаракатни бутунича муста-қил бажаришга ҳамда уни ўйинда ва ҳаётда қўллашга рағбатланишдан иборатdir. Хулоса қилиб айтганда, ҳаракат фаолияти шаклларини мураккаблаштириш билан бирга боланинг кучига яраша бериладиган жисмоний юклама аста-секин ошириб борилади.

Бу жисмоний фазилатларнинг ривожланиш қонуниятлари боланинг кучи, чидамлилиги, тезкорлиги билан белгиланади. Болаларда жисмоний қобилият, ҳаракат малакалари ва кўниkmаларини ривожлантириш масалалари бола шахсини тарбиялашда алоҳида эътибор беришни тақозо этади.

Жисмоний тарбия-жамиятнинг талабларига мос равишда организмни кўп томонлама морфологик ва функционал тақомиллаштиришга, жисмоний сифатлар (қобилиятлар)ни ривожлантиришга, моторикани шакллантиришга, жисмоний маданият ва sport соҳасидаги маҳсус билимларга қаратилган уюшган педагогик жараёндир. Бу турдаги машғулотлар, ўзига хос мазмuni ҳаракатларни ўрганиш, жисмоний сифатларни тарбиялаш, маҳсус жисмоний билимларни егаллаш ва жисмоний тарбия дарсларида англанган еҳтиёжларни шакллантиришдан иборат.

Жисмоний тарбия-бу ўз ҳаракатларини назорат қилишнинг оқилона йўлларини тизимли ишлаб чиқиш, шу тариқа моториканинг зарур фондини, кўниkmа ва ҳаётда тегишли билимларни егаллашдир.

10. Узок муддатли таълим тузилмасининг хусусиятлари

Болалар ва ўсмирлар билан ўтказиладиган синфларда жисмоний маданият ва sport воситалари қатор йилларга мўлжалланган спорт машғулотлари босқичига қараб танланади: и босқич-бошланғич тайёргарлик, II-босқич-махсус тайёргарлик, III-босқич-спорт такомиллашуви.

Болалар ва ўсмирларни дастлабки тайёрлаш босқичида машғулотларнинг асосий мазмуни танланган спорт тури техникаси ва умумий жисмоний тайёргарликнинг турли воситалари билан машғулот ўтказишидир.

**Ижтимоий ҳаёт амалиёти.** Жамиятнинг жисмоний жиҳатдан яхши тайёрланган кишиларга бўлган эҳтиёжи жисмоний тарбия қонунларини ўрганишга ва улар асосида инсоннинг жисмоний такомиллашуви учун бошқарув тизимини қуришга интилишни кучайтиради;

Тананинг ҳаракат параметрлари, функционал ҳолати ва алоҳида фаолиятнинг вақти ҳисобга олинади. Масалан: психофизик сифатларнинг ўлчанадиган кўрсаткичлари, жисмоний тайёргарлик; ўлчашлар: спирометрия орқали ўпка сигими;

мускул кучи қўл — динамометр; мотор фаолиятини ташкил етишнинг турли шаклларини бажаришда алоҳида тана қисмларига вақт параметрлари-Секундомер ва бошқалар. Шундай қилиб, жисмоний тарбия назарияси турли физиологик ва психофизиологик ҳолатларни ўлчашнинг instrumental ва instrumental бўлмаган воситаларидан фойдаланади.

## ГЛОССАРИЙ

**Академия** – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

**Амалий ишлар методи** – ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларни шакллантирувчи метод.

**Ахлоқ-** (лот. “moralis”- хулқ-атвор) ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатни тартибга солувчи муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлар йигиндиси.

**Ақлий тарбия** –шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришда йўналтирилган педагогик жараён.

**Абстрактлаш** – мавхумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат.

**Аксиология** – қадриятлар тўғрисидаги фан.

**Башоратлаш** - бўлажак дарсни ташкил этилишининг турли варианatlарини баҳолаш ва улардан қабул қилинган мезонларга мувофиқ энг маъқулини танлаб олиш.

**Билим** – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

**Брейнсторминг** – ўқувчиларнинг ижодий ишларини ҳамкорликда ташкил этишларига оид маҳсус метод.

**Дарс жадвали** - ўқув режасига кўра ўқув ҳафтасининг ҳар бир кунида синфлар бўйича ўқув машғулотлари педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ, кетма-кетлигини белгиловчи ҳужжат.

**Дидактик ўйин** – ўрганилаётган обьект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

**Дидактик эксперимент методи** - борлиқни ўзгартириб, унинг ички қонуниятларини ўрганиб, унга таъсир этишнинг самарадорли методларини аниқлашга қаратилган тадқиқот методи.

**Дастурлаштирилган таълим бериш** - бу ғоя 1950 йилларда илгари сурилган. Дастурлаштирилган таълим бериш асосини тартибга келтирган топшириқларни намоён қилувчи, ўзгартирувчи дастур ташкил этади.

**Эвристик** — ўқувчиларда топқирлик, фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни.

**Эксперимент** (лот. *experimentum* - тажриба, синаб кўриш) - фанда нарса ва ҳодисаларни сезги-предмет фаолияти билан тадқиқ қилиш, ўрганиш ва кузатишга қараганда юксакроқ билиш методи; 2) муайян илмий мақсадга эришишни кўзлаб ўтказиладиган тажриба.

**Экстерн** - ўқув муассасасида таълим олмасдан, курс бўйича имтиҳон топширувчи шахс.

**Эмпирик метод** - тажриба-синов методикасига маълум бўлган адабиётлар, ғоялар, тажрибаларни ўрганиб чиқиш асосида туғиладиган фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини синаб кўриш ва амалий татбиқ қилиш методи.

**Энержайзер (фаоллаштириш) машқлари** - таълим жараёнининг фаоллаштирувчи методларидан бири. Ўқувчиларда изланувчанлик, топқирлик

хислатларини шакллантиришга қаратилган адабиёт таълими жараёнида қўлланиладиган ўқитиш методи

**Феноменал хотира** - идрок қилинган нарса ва хусусиятларни, уларнинг боғланиш муносабатларини фавқулодда тез ҳамда аниқ эсда қолдириш ва эсга туширишдан иборат нодир қобилият.

**Глоссарий** - муайян мавзуга оид атамаларни қамраб олган кичик хажмли луғат.

**Гипотеза**- ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шакли.

**Гнесология**- билиш ҳақидаги таълимот

**График органайзерлар** – ўқув жараёнида қўйилган мақсадга эришишда ёрдам берувчи чизма, жадвал, графиклар мажмуи. Агар график органайзерларни ўқитувчи тайёр (тўлдирилган) ҳолда восита вазифасини қўпласа, ўқувчиларнинг машғулот мавзусига доир билимларини мустаҳкамлаш, ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида ишлатилса, метод вазифасини бажаради.

**Ижтимоийлашув**– инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолияти жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

**Инновация** – соҳага янгилик, ўзгаришлар олиб кириш жараёни ва фаолияти.

**Интерфаол методлар** – таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи ўқувчиларнинг ўзаро фаоллашувларига қаратилган йўл ва методлар йиғиндиси.

**Жамоа монография**- ягона муаммони ёритишга бағишилаб бир неча шахс томонидан ёзилган илмий асар.

**“Кластер” методи**- 1) ўқувчиларни мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, атамалар, тушунчалар ва воқеаларнинг бир- бири билан боғлиқлигини англаб олишга ўргатувчи метод; 2) кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, таҳсил олувчиларга ихтиёрий муаммо(мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам берадиган методдир.

**“Картографик тадқиқот” методи**- вақеа- ҳодисаларни билиш, илмий таҳлил қилиш ва олдиндан айтиб бериш учун тайёр географик ҳариталардан фойдаланиш методи.

**Кичик гуруҳларда ишлаш** – бу кичик гуруҳларни шакллантириш, гуруҳларга топшириқлар бериш, кўрсатма бериш ва йўналтириш; гуруҳлар тақдимоти; муҳокама, таҳлил ва баҳолашдан иборат.

**Кейс** (инг. Case- ҳодиса, шарт- шароит)- амалий муаммолар ифодаланган ўқув материаллари йиғиндиси.

**Кейс методи**- ўқувчиларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган метод.

**Когнитив-** шахснинг мустақил фикрлаш жараёни.

**Компетенсия**- у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик, қобилият, лаёқат.

**Креатив тестлар**- (лотин. *creato*- ижод қилиш, яратиш) шахснинг ижобий лаёқатини ўрганиш ва баҳолаш методикалари мажмуи.

**Когнитив харита** - муаммоли вазиятнинг характеристири тузилмаларини белгилашга қаратилган тадқиқот обьектидаги сабаб-оқибат алоқаларининг жадвалли акси.

**Кодлаштириш** - Кодлаштириш деб ахборотни бир тизимдан бошқа тизимга маълум бир белгилар ёрдамида белгиланган тартиб бўйича ўтказиш жараёнига айтилади.

**Комбинациялаштирилган инновациялар** - Ишлаб чиқариш омилларини турли хилдаги комбинацияларда ишлатилишга асосланувчи инновациялар

**Коммуникатив қобилият** -Бошқаларнинг руҳий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик муносабатида бўлиш асосида таълим ва тарбия бера олиш қобилиятидир.

**Коммуникатив қобилият** -Мулоқот ўрнатиш, таъсир қилиш, ишонтириш, далиллаш, нотиқлик лаёқати.

**Коммуникация** – бу кишилар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашуви

**Компетенция**-маълум соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти.

**Лойиҳалаш методи**- педагогиканинг прагматик ёъналишига асосланган ҳолда, таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалаш ва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларини намоён қилишларини таъминловчи таълим шакли.

**Лойиҳалаш** –олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўлларини аниqlаш.

**Методик компетентлик** – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

**Метод** – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш методи; 2) ҳаракат қилиш методи, тарзи.

**Методика**– бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар.

**Методология**- дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот.

**Муаммоли ўқитиши** – ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида ўқувчилар фаол мустақил ҳаракат қиласидар.

**Мунозара**– фаол таълим услуби бўлиб, муҳокама маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади.

**Модератор** - ( лотинча *moderor*— меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, ўқувчиларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

**Нутқ қобилияти** – шахснинг ўз ҳис-туйғуларини нутқ, шунингдек, мимика, пантомимика ёрдамида аниқ ва равshan ифодалаб бериш қобилияти

**Нутқнинг вазифалари**- Нутқ воситасида боланинг ҳис-туйғулари, ўқувчилар орасида мулоқот олиб бориш, олинган маълумотларни онгли таҳлилий идрок этиш

**Семантика**- юонча, “semantikos” ифодаловчи, билдирувчи деган маънони англатади. Тилшуносликда тил бирликларининг маъноси сўзнинг семантикаси.

**Таълим** – ўқитишининг маҳсули бўлиб, ўқитиши жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар ва тафаккур методларининг тизими.

**Таълим воситалари**- ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиши самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

**Таълим шакллари** (форма-лотинча-ташқи кўриниш) – бу метод ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқ.

**Тарбия технологияси** – тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

**Услубият**- тил бирликларининг услугубий имконият ва хусусиятлари, функционал услугубий эмотсионал-експрессив бўёғи, шунингдек нутқда тил воситаларни мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

**Зеҳн**- идрок, фаҳм, хотира, тушуниш қобилияти. Унинг зеҳни жуда ўткир, ўзи тиришқоқ эди.

**Ўқитиши методикаси** – педагогика фан ва амалиётининг бир қисми бўлиб, ўқувчининг ўқув фани мавзуларини қабул қилиб олиши ва уни амалиётга қўллашига оид қонуниятларни (баён қилиш ва ўзлаштириш) татқиқи билан шуғулланадиган фан.